



# ЎЗБЕКИСТОН – ҚОЗОҒИСТОН: ИТТИФОҚЧИЛИК МУНОСАБАТЛАРИ АБАДИЙ ДЎСТЛИК ВА ЯХШИ ҚЎШНИЧИЛИК РИШТАЛАРИНИНГ ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАНИШИГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Қозоғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқаевнинг таклифига биноан 5-6 декабрь кунлари давлат ташрифи билан Қозоғистонда бўлди.



Ўзбекистон мустақиллигининг илк кунларидан Марказий Осиё мамлакатлари, жумладан, Қозоғистон билан ўзаро ишонч ва яхши қўшничиликка асосланган муносабатларни ривожлантириш йўлидан борди. Халқларимиз нафақат яқин қўшни, балки қардош сифатида кўп қиррали ҳамкорлигининг барча масалалари бўйича азалдан бир-бирларини тушуниб, қўллаб-қувватлаб келган. Ўтган йиллар давомида бу алоқалар янада мустаҳкамланди, мамлакатларимиз яхши қўшни ва ўзаро манфаатли ҳамкор сифатида тараққиёт йўлидан елкама-елка бормоқда.

Ташрифнинг асосий тадбирлари 6 декабрь кунини бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев шу кунини Нур-Султон шаҳридаги “Отан қорғаушылар” (“Ватан ҳимоячилари”) монументига гул қўйди.

Оқўрда қароргоҳида Ўзбекистон Республикаси Президентининг расмий кутиб олиш маросими бўлди.

Олий мартабали меҳмон шарафига фахрий қоровул саф тортди.

Ўзбекистон ва Қозоғистон давлат мадҳиялари янгради.

Президентлар Шавкат Мирзиёев ва Қосим-Жомарт Тоқаев фахрий қоровул олдида ўтиб, расмий делегациялар аъзоларини бир-бирига таништирдилар.

Сўнг давлат раҳбарларининг тор доирадаги музокаралари бўлиб ўтди.

Самимият ва ишонч руҳида ўтган учрашувда етакчилар кўп қиррали Ўзбекистон — Қозоғистон шериклигига доир кенг қўламли масалаларни, шу жумладан, сиёсий, савдо-иқтисодий, маданий-гуманитар соҳалардаги ҳамкорликни кўриб чиқдилар, халқаро ва минтақа кун тартиби юзасидан фикр алмашдилар.

Қозоғистон Президентининг давлатимиз раҳбарини ташрифи билан қўллаб, Президент сайловида ишончли ғалаба қозонгани билан яна бир бор табриклади ва келгуси фаолиятига муваффақиятлар тилади, ушбу учрашувнинг муҳим аҳамиятини алоҳида қайд этди.

— Сиз Қозоғистонга давлат ташрифи билан келганингиздан жуда мамнунмиз.

Ҳамкорликни янги даражага олиб чиқишда ушбу воқеа жуда муҳим. Бугун имзоланадиган ҳужжатлар шериклигимизга қўшимча суръат бағишлайди. Мамлакатларимиз ҳукуматларига белгиланган мақсадларга эришиш учун саъй-ҳаракатларни жадаллаштириш топшириғини бердик. Ўйлаймизки, мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар бутун Марказий Осиё минтақасида барқарорлик ва ҳавфсизликни таъминлашнинг муҳим омили бўлиб хизмат қилади, — деди Қосим-Жомарт Тоқаев.

Президентимиз таклиф учун миннатдорлик билдириб, ушбу учрашув Қозоғистон мустақиллигининг 30 йиллиги арафасида ўтаётганини таъкидлади ҳамда Ўзбекистон халқи номидан биродар қозоқ халқини ушбу кутлуғ сана билан самимий табриклади, тинчлик-осойишталик, раҳна ва янги зафарлар тилади.

Биринчи Президент — Элбоши Нурсултон Назарбоев бошлаган катта бунёдкорлик ишлари бугунги кунда Қосим-Жомарт Тоқаев раҳбарлигида давом эттириляётгани ва Қозоғистон

барқарор тараққиёт йўлидан дадил бораётгани таъкидланди.

Ўзбекистон етакчиси икки биродар давлат ўртасидаги дўстлик ва яхши қўшничилик муносабатларининг ривожланиш суръатини мамнуният билан қайд этди.

— Ўзбекистон ва Қозоғистон — табиий иқтисодий ҳамкорлар. Иқтисодийларимиз рақобат қилмайди, бир-бирини тўлдириб туради. Ўзаро савдо ортмоқда. Жорий йилда товар айирбошлаш рекорд даража — 4 миллиард долларга етиши кутилмоқда. Автомобилда ва темир йўллари орқали юк ташиш ҳажмлари ошмоқда. Авиакатновлар тўлиқ қайта тикланди, янги йўналишлар очилмоқда. Етакчи корхоналаримиз кооперацияни муваффақиятли кенгайтирмоқда. Кейинги йилларда иқтисодиётнинг деярли барча тармоқларида қўшма корхона ва лойиҳалар сони 6 баробарга ошди, — деди Шавкат Мирзиёев.

Савдо-иқтисодий ҳамкорлик ривожланиб бораётгани, бунда мамлакатларимиз худудлари ва тадбиркорлари ўртасидаги

тўғридан-тўғри алоқалар муҳим ўрин тутаётгани алоҳида таъкидланди.

Ўзбекистон Президентининг ташрифи арафасида Туркистон шаҳрида Бош вазирлар раислигида Ҳукуматлараро комиссия йиғилиши ва Худудлар форуми ўтди. Куни кеча Қозоғистон пойтахтида қўшма бизнес-форум муваффақиятли ўтказилди. Ушбу тадбирлар натижасида жами 6 миллиард долларлик келишув ва шартномалар имзоланди.

Кейинги йилларда қўшма корхоналар сони 6 баробарга ошди. Қостанайда автомобиль, автобус ва қишлоқ ҳўжалиги техникасини ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Туркистон ва Чимкентда замонавий тўқимачилик ва маийший техника корхоналари ишга туширилди. Ўзбекистонда қозоғистонлик ҳамкорлар билан биргаликда энергетика, саноат, кимё, озиқ-овқат тармоқлари, қурилиш соҳасида қатор лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Пандемия даврида биродар халқларимиз бир-бирига ёрдам бериб келдилар.

Гуманитар соҳадаги ҳамкорлик фаол ривожланмоқда. Қайта тикланган Тошкент халқаро кинофестивали доирасида Қозоқ киноси кунлари муваффақиятли ўтказилди. Шу ҳафта Қозоғистон пойтахтида Ўзбек киноси кунлари бўлиб ўтади.

Минтақа давлатлари раҳбарларининг мунтазам маслаҳат учрашувлари ўз самарасини кўрсатди. Очiq ва ишончли мулоқот учун ноёб майдон шаклланди.

Ўзбекистон ва Қозоғистон БМТ, МДХ, ШХТ, ИХТ, Туркий тилли давлатлар ташкилоти ва бошқа тузилмалар доирасида ҳам фаол ҳамкорлик қилмоқда.

— Бугун икки томонлама стратегик шериклигимизни иттифоқчилик муносабатлари даражасига кўтариш тўғрисида тарихий қарор қабул қиламиз. Бу нафақат мамлакатларимиз, балки бутун минтақанинг изчил тараққиёти, барқарорлиги ва раҳна учун улкан аҳамиятга эга бўлади, — деди Ўзбекистон Президенти.

▶ Давоми 2-бетда

## ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ҚИРҒИЗИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИ ТАБРИКЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 6 декабрь кунини Қирғиз Республикаси Президенти Садир Жапаров билан телефон орқали мулоқот қилди.

Давлатимиз раҳбари Қирғизистон Президентини таваллуд кунини билан самимий табриклаб, унга мустаҳкам соғлиқ, фаровонлик ва катта муваффақиятлар, биродар қирғиз халқига эса тинчлик-осойишталик ва раҳна тилади.

Етакчилар Ўзбекистон ва Қирғизистон ўртасидаги кўп асрлик дўстлик ва яхши қўшничилик ришталарига асосланган стратегик шериклик муносабатлари изчил мустаҳкамланиб бораётганини мамнуният билан таъкидладилар.

Турли даражалардаги конструктив мулоқот ва фаол алмашинувларни давом эттириш, товар айирбошлаш

ҳажмини ошириш, машинасозлик, энергетика ва электротехника тармоқлари, қишлоқ ҳўжалиги, фармацевтика ва бошқа соҳаларда муҳим кооперация лойиҳаларини биргаликда илгари суриш муҳимлиги қайд этилди. Бизнес ва худудлар даражасида амалий ҳамкорликни кенгайтириш, маданий-гуманитар дасурларни амалга оширишга алоҳида эътибор қаратилди.

Халқаро ва минтақа кун тартиби юзасидан ҳам фикр алмашилди.

Телефон орқали мулоқот ҳар доимгидек илиқ, самимий ва дўстона руҳда ўтди.

ЎЗА

## ҲАРАКАТЛАР СТРАТЕГИЯСИДАН — ТАРАҚҚИЁТ СТРАТЕГИЯСИ САРИ

# ОНА ЮРТИМ, ҲУСНИНГНИ МЕН ШАЙДОСИ ЁХУД МУМТОЗ САНЪАТИМИЗНИНГ ИЛОҲИЙ ҚУДРАТИ


Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг лавозимга киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталари қўшма мажлисида сўзлаган нутқининг мазмун-моҳияти ва аҳамияти, унда белгиланган устувор вазифалар талаба ёшлар, давлат хизматчилари, олимлар, экспертлар, умуман, кенг жамоатчилик томонидан қизғин ўрганилмоқда.

Шунингдек, санъаткорлар ҳам Президентимизнинг ушбу нутқи келажакка йўналтирилгани, мамлакатни ривожлантириш стратегиясининг амалий дастури бўлгани хусусида тарғибот ишлари олиб бормоқда. Зеро, давлатимиз раҳбари ўз маърузасида мамлакат ҳаётининг барча жабҳаларига атрофлича тўхталиб, янги ғоялар, инновациялар ва янгиликларни таклиф қилди.

Нутқда Янги Ўзбекистон Тараққиёт стратегиясининг 7 та устувор йўналиши белгиланган. Мазкур концептуал ҳужжатда ислохотларнинг узвийлиги ва давомийлигини таъминлаш мақсадида “Ҳаракатлар стратегиясидан — Тараққиёт стратегияси сари” деган тамойил асосий ғоя ва бош мезон қилиб олинди. Мазкур стратегиянинг бешинчи йўналишида маънавий ва маърифий соҳаларда ислохотларни

амалга ошириш асосий вазифалардан бири сифатида белгиланган. Ушбу йўналишда “Янги Ўзбекистон — маърифатли жамият” концепциясини амалга ошириш, миллий қадриятларни янада ривожлантириш, ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги ўрни ва нуфузини ошириш, маданият ва санъатни юксалтириш борасидаги муҳим масалаларга алоҳида эътибор қаратилган.

▶ Давоми 3-бетда







# ЎЗБЕКИСТОН — ҚОЗОФИСТОН: ИТТИФОҚЧИЛИК МУНОСАБАТЛАРИ АБАДИЙ ДЎСТЛИК ВА ЯХШИ ҚЎШНИЧИЛИК РИШТАЛАРИНИНГ ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАНИШИГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

Бошланиши 1-бетда

Етакчилар минтақа ва халқро кун тартибининг томонларни қизиқтирган долзарб масалалари юзасидан ҳам фикр алмашдилар.

Учрашувда давлат раҳбарлари Ўзбекистон ва Қозоғистон ўртасидаги дўстлик ва яхши қўшничилик муносабатларини янада мустаҳкамлаш борасидаги иштирокини қатъий эканини яна бир бор тасдиқладилар. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Қозоғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқаевнинг музокаралари икки мамлакат расмий делегациялари иштирокида давом этди.

Давлат раҳбарлари Ўзбекистон ва Қозоғистон стратегик шериклиги ва кўп қиррали ҳамкорлигини янада мустаҳкамлашнинг истиқболларини атирофчи муҳокама қилдилар. Савдо-иқтисодий ҳамкорлиқни кенгайтириш, жумладан, ўзаро товар айирбошлашни кўлайитириш, қўшма кооперация лойиҳаларини амалга ошириш, транзит ва логистика, энергетика, сув ва қишлоқ ҳўжалиги соҳаларидаги қўшма савй-ҳаракатларни фаоллаштириш масалаларига устувор аҳамият қаратилди. Худудлараро ва маданий-гуманитар алмашинувларни жадаллаштириш чоралари қўриб чиқилди.

Шунингдек, глобал ва минтақа кун тартибига турган ҳамда халқро тузилмалар доирасидаги ҳамкорлик юзасидан фикр алмашилди.

Президентимиз Ўзбекистон халқларимиз ўртасидаги самимий биродарлик муносабатларини юксак қадрлашни таъкидлади.

— Бугун тарихий қарор қабул қиляпмиз, ҳамкорлигимизни иттифоқчилик муносабатлари даражасига қўраяпмиз. Кўп асрлик дўстлик, яхши қўшничилик, ўзаро ишонч ва кенг қўламли шериклиқни янада мустаҳкамлаш йўлидаги иттифоқчилик қатъий. Бунинг учун барча имконият ва ресурсларни ишга солапмиз. Мақсадимиз — биродар халқларимизнинг кўп қиррали ҳамкорлигини аниқ мазмун билан бойитиш, — деди Шавкат Мирзиёев.

Икки мамлакат етакчилари стратегик шериклиқни янада мустаҳкамлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси ва Қозоғистон Республикасининг Давлатлараро Олий Кенгаши, Парламентлараро ҳамкорлик кенгаши ва Ташқи ишлар вазирлари кенгаши тасвир этишга келишиб олдилар.

Музокаралар чоғида икки томонлама ҳамкорлиқнинг янги “ўсиш нукталари”, устувор йўналишлари ва муҳим вазифалари белгилан олдинди.

Учинчи мамлакатлардан импорт қилинаётган маҳсулотлар ўрнини босиш орқали зарур маҳсулотларни ўзаро етказиб бериш номенклатураси ва ҳажминини салмоқли даражада кенгайтириш учун катта салоҳият мавжуд. Товар айирбошлаш миқдори жадал суръатда ошаётгани ҳам бунинг тасдиғидир.

Томонлар иқтисодиётнинг турли соҳаларида янги қўшма корхоналар ташкил этиш орқали ўзаро манфаатли шериклиқни ривожлантириш муҳимлигини таъкидладилар. Инвестицияларни жалб қилиш, саноат кооперацияси, қишлоқ ҳўжалигини, транспорт ва логистика, энергетика, фармацевтика, қурилиш соҳалари устувор йўналишлар сифатида белгиланди.

Саноат кооперацияси бўйича аниқ лойиҳаларни амалга ошириш юзасидан

келишувга эришилди. Машинасозлик, энергетика, электротехника, кимё, тўқимачилик ва бошқа тармоқларда муваффақиятли лойиҳалар кўп. Эндиликда қурилиш, қишлоқ ҳўжалиги, фармацевтика ва бошқа устувор соҳаларда янги йирик лойиҳалар ишлаб чиқилмоқда.

Хусусан, куни кеча ишбилармон доиралар иштирокида ўтказилган тадбирларда умумий қиймати икки миллиард доллардан зиёд истиқболли инвестиция лойиҳалари тайёрланди.

Бу борадаги савй-ҳаракатларга қўшимча суръат бағишлаш мақсадида саноат кооперацияси бўйича қўшма халқро марказ ташкил этилади.

Худудлараро алоқалар ҳамкорлиқни кенгайтиришда драйвер бўлиб хизмат қилмоқда. Жумладан, яқинда ўтган Худудлар форуми натижасида қатор келишув ва савдо шартномалари имзоланди.

Икки мамлакатнинг чегараолди худудларига ўзаро маҳсулот етказиб бериш ва янги кооперация лойиҳаларини ишлаб чиқишда янада яқиндан ҳамкорлик қилишга топшириқ берилди.

Транспорт соҳаси муҳим йўналиш сифатида белгилан олдинди. Автомобилда ва темир йўл орқали юк ташин ҳажми ортиб бормоқда. Мамлакатлар ўртасидаги авиақатновлар тўлиқ тикланди, янги йўналишлар очилди.

Ўзбекистон Президенти мамлакатларимиз ва учинчи давлатлар бозорларига қилишни таъминлайдиган янги йўналишларни шакллантириш муҳим эканини қайд этди. Етакчилар “Учқудуқ — Қизилўрда” темир ва автомобиль йўлини ҳамда “Туркистон — Чимкент — Тошкент” юқори тезликда ҳаракатланишга мўлжалланган темир йўл қурилиш лойиҳаларини жадаллаштиришга келишиб олдилар.

Сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш масалаларига ҳам тўхталиб ўтилди. Шу мақсадда ўзаро манфаатли ҳамкорликнинг барқарор, узоқ муддатли механизмлари ишлаб чиқиш ва икки мамлакат ўртасида сув муносабатларининг барча йўналишларига оид тадбирларни амалга ошириш зарурлиги таъкидланди.

Томонлар Марказий Осиёда тинчлик ва барқарорлиқни таъминлаш мақсадида ўзаро манфаатлар ва минтақавий яқинлашув ҳўларини илгари сурган ҳолда ташқи сийосат соҳасида яқиндан ҳамкорлик қилиш истагини билдирдилар. Президентлар Марказий Осиё давлат раҳбарларининг Маслаҳат учрашувлари форматини иштирокчи давлатлар манфаатларига қатъий ҳурмат асосида мавжуд салоҳиятлардан максимал даражада тўлиқ фойдаланиш мақсадида тақомиллаштириш йўлида иш олиб боришга келишиб олдилар.

Гуманитар алмашинувларни кенгайтириш, таълим, фан, соғлиқни сақлаш, маданият ва санъат, туризм ва спорт соҳаларидаги ҳамкорлиқни мустаҳкамлаш масалалари ҳам муҳокама қилинди.

Қозоғистон Президенти халқларимизнинг маънавий яқинлиги ва кўп асрлик дўстлиги рамзи сифатида Нур-Султон шаҳрида Алишер Навоий ҳайкали ўрнатилишини таъкидлади.

Самарали музокаралардан сўнг ҳужжатларни имзолаш маросими бўлиб ўтди.

Президент Шавкат Мирзиёев ва Президент Қосим-Жомарт Тоқаев Ўзбекистон Республикаси ва Қозоғистон Республикаси ўртасида иттифоқчилик муносабатлари тўғрисидаги декларацияга имзо чекидилар. Ҳужжатда қардош халқларимизнинг ҳаётий муҳим ва узоқ муддатли миллий манфаатлари, кўп қиррали шериклик салоҳиятини тўлиқ рўёбга чиқариш мақсади ўз ифодасини топган.

Маросимда имзоланган яна бир муҳим ҳужжат яқин 5 йилда Ўзбекистон ва Қозоғистон ўртасидаги товар айирбошлашни 10 миллиардга етказиш бўйича Амалий ҳаракатлар режасидир. Унда икки мамлакат тармоқлари ва худудлари учун қулай шароитлар яратиш кўзда тутилган.

Давлат раҳбарлари ҳузурида ҳукуматлараро ва идоралараро ҳужжатлар имзоланди. Божхона, фавқулодда вазиятларни олдини олиш ва бартараф этиш, фазовий маконни тадиқ этиш ва ундан тинч мақсадларда фойдаланиш соҳасига доир ҳамда “Марказий Осиё” саноат кооперацияси халқро марказини ташкил этиш тўғрисидаги битимлар шулар жумласидан. Шунингдек, савдо, инвестициялар, энергетика, транспорт коммуникациялари, суд-экспертлик фаолияти, мудофеа, бандлик ва фан соҳаларида ҳамкорлиқни янада кенгайтириш бўйича тегишли ҳужжатларга имзо чекилди.

Тошкент ва Туркистон вилоятлари, Тошкент ва Нур-Султон шаҳарлари, Навоий ва Қизилўрда вилоятлари ҳокимликлари ўртасида ҳамкорлиқни кенгайтириш бўйича 2022-2023 йилларга мўлжалланган “йўл харита”лари қабул қилинди.

Умуман, кўп қиррали Ўзбекистон — Қозоғистон ҳамкорлигининг деярли барча йўналишларини қамраб олган 22 та ҳужжат имзоланди.

Давлат таширфининг асосий тадбирларидан сўнг ОАВ вакиллари учун брифинг ўтказилди.

Президентлар ҳар доимгидек очик, ишончли ва ишчан муҳитда ўтган музокаралар натижаларидан мамнунлигини билдирдилар.

Хусусан, музокараларда Ўзбекистон билан Қозоғистон ўртасидаги кўп қиррали, ўзаро манфаатли ҳамкорлиқни икки томонлама ва минтақа кун тартибидидаги барча йўналишларда янада ривожлантириш масалалари батафсил қўриб чиқилди.

Шавкат Мирзиёев ўз баёноти аввалида Қозоғистон халқини мустақиллигининг 30 йиллиги билан яна бир бор табриклади. Кейинги йилларда дўстлик, яхши қўшничилик ва стратегик шериклиқни кенгайтириш ва стратегик шериклиқни кенгайтириш мақсадида Ўзбекистон — Қозоғистон муносабатларида улкан ўзгаришлар рўй бераётгани таъкидланди.

Ўзбекистон етакчиси бугун тарихий қарор қабул қилиниб, икки томонлама ҳамкорлик иттифоқчилик муносабатлари даражасига қўтарилигани, бу биродар халқларимизнинг узоқ муддатли манфаатларидан келиб чиқиб, улгарга тўлиқ мос эканини қайд этди.

— Ўзбекистон ва Қозоғистон ҳамкорлиги замирида бир-биримизни тўлдириб туриш борасидаги улкан салоҳиятдан фойдаланишга интилиш ҳам мавжуд. Биз савй-ҳаракатларимизни бирлаштириш ва янги ўсиш нукталарини излаш ниятидамыз, — деди Шавкат Мирзиёев.

Икки томонлама ҳамкорлиқнинг устувор йўналиши — савдо-иқтисодий ҳамкорликда эришилаётган натижалар мамнуният билан қайд этилди.

Қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини етказиб беришни кенгайтириш мақсадида томонлар агрокластерлар, улғуржи-тақсимлаш ва логистика марказларини ташкил этишга, “Агроэкспресс” лойиҳасини илгари суришга келишиб олганликлари қўрсатиб ўтилди.

Ўзбекистонда саноат, энергетика, кимё, қурилиш, банк ва бошқа соҳаларда қўшма лойиҳалар амалга оширилмоқда. Ташриф арафасида ўтказилган ишбилармонлик тадбирлари якунида қиймати 6 миллиард долларга яқин бўлган янги инвестиция ва савдо келишувлари имзоланди.

— Бундай қўрсаткичлар аввал бўлмаган. Қолаверса, барчаси қатъий келишувлар, улар истиқболга яхши замин яратди, — деди Шавкат Мирзиёев.

Томонлар “аши” энергетика лойиҳаларини фаол илгари суришга, энг янги сув тежайдиган технологияларни жорий қилиш, Оролбўйида дарактзорлар яратиш борасида биргаликда ишлаш ва халқро донорлар билан ҳамкорлик қилишга келишиб олдилар.

Брифингда маданият, фан ва таълим, соғлиқни сақлаш ва туризм соҳаларида эришилган келишувлар ҳам қайд этилди.

— Бугунги мураккаб ва зиддиятли замонда одамлар онги ва қалбига, айниқса, ёш авлода ижобий таъсир қўрсатувчи маданият ва маънавийларнинг аҳамияти ортиб бормоқда, — деди Шавкат Мирзиёев.

Шу муносабат билан музокараларда Қозоғистонда Ўзбекистон йили ва Ўзбекистонда Қозоғистон йили тадбирларини мунтазам равишда ўтказиб бориш юзасидан келишувга эришилди. Келгуси йилда юртимизда биринчи Ёшлар конгресси ҳамда Ижодий ва илмий зиёилилар форуми ташкил этиладиган бўлди.

Қайд этилганидек, Ўзбекистонда саккиз юз мингдан зиёд қозоқ миллигига мансуб фуқаролар истиқомат қилмоқда. Улар миллий маданияти, тили ва анъаналарини ривожлантириши учун барча шароит яратилган. Тўрт юзга яқин мактабда ўқитиш қозоқ тилида олиб боришмоқда.

Мана ўттиз йилдирки, Ўзбекистонда Қозоқ миллий маданият маркази ва унинг саккизта худудий бўлинмалари фаол ишлаб турибди.

— Қозоқ юртдошларимиз орасида Ўзбекистон Қўрамоли юксак унвонига ва бошқа давлат мукофотларига сазовор бўлганлар, сенатор ва депутатлар, вазир ва генераллар, йирик корхоналар раҳбарлари борлигидан фахрланамиз, — деди Шавкат Мирзиёев.

Давлат раҳбарлари Ўзбекистон ва Қозоғистон ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилганининг ўттиз йиллигини келгуси йилда кенг нишонлаш мақсадида тегишли дастур қабул қилишга келишиб олдилар.

Минтақавий ва халқро майдондаги ҳамкорлик масалаларига тўхталар экан, Ўзбекистон етакчиси Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг Маслаҳат учрашувида самарали платформани яратишга муваффақ бўлингани, унинг доирасида умумий уйимизни комплекс ривожлантириш йўллари белгиланаётганини алоҳида қайд этди.

Музокараларда минтақамизда ҳавфсизлик ва барқарорликка таҳдидларга, энг аввало, қўшни Афғонистондаги вазиятдан келиб чиққан ҳолда қарши курашиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Бу борада Ўзбекистон ва Қозоғистон позициялари тўлиқ мос экани тасдиқланди.

Мамлакатимиз Қозоғистоннинг Осиёда ҳамкорлик ва ишонч чоралари бўйича кенгаш ҳамда Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига раислиги доирасидаги ташаббусларни қўллаб-қувватлайди. Қозоғистон эса Ўзбекистоннинг Шанхай ҳамкорлик ташкилоти ва Иқтисодий ҳамкорлик ташкилотига раислиги доирасидаги фаолиятини қўллаб-қувватлайди.

— Ушбу ташриф доирасида салмоқли ҳужжатлар тўпламини имзолдик. Ишончимиз ва шериклигимиз жуда юксак даражага чиққанидан, биргаликда ҳаракат қилиб, ҳар томонлама қўмақдош бўлишга тайёр эканимиздан далолат берувчи Иттифоқчилик муносабатлари тўғрисидаги декларация улар орасида энг асосийси. Биз икки қардош халқларнинг раванки йўлида кўп асрлик дўстлик, яхши қўшничилик ва кенг қўламли ҳамкорлиқни мустаҳкамлашнинг қатъий тарафдоримиз, — деди Ўзбекистон Президенти.

Президент Қосим-Жомарт Тоқаев ҳам кенг доирадаги масалалар юзасидан фикр алмашилган музокаралар якунидан мамнунлигини билдирди.

Давлатимиз раҳбари Қозоғистон Президентини ўзига қулай вақтда ташриф билан Ўзбекистонга келишга таклиф қилди.

Олий даражадаги музокаралардан сўнг Ўзбекистон Республикаси Президентини Шавкат Мирзиёев Қозоғистон Республикасининг Биринчи Президенти — Элбоши Нурсултон Назарбаев билан учрашди.

Сўхбат аввалида давлатимиз раҳбари Элбошини мустақил Қозоғистон асосининг улкан хизматлари эътирофи сифатида декабрь ойининг биринчи санасида нишонланадиган байрам — Биринчи Президент куни билан самимий қўтлади.

Мамлакатимиз етакчиси Нурсултон Назарбаевнинг чўқур ўйланган сийосати туфайли биродар Қозоғистон халқи ижтимоий-сийсий ва социал-иқтисодий ҳаётининг барча соҳаларида юксак муваффақиятларга эришганини таъкидлади.

Президентимиз Ўзбекистон ва Қозоғистон ўртасидаги стратегик шериклик ривожига Элбошининг шахсий ҳиссасини юқори баҳолади. Бугун Иттифоқчилик муносабатлари тўғрисидаги декларация имзолангани мулоқотларни фаоллаштириш жараёнининг мантиқий давоми бўлди.

Учрашувда икки томонлама ва минтақавий ҳамкорлик масалалари муҳокама қилинди. Марказий Осиё маконидида сийсий мулоқот фаоллашгани, Маслаҳат учрашувлари механизми йўлга қўйилгани, дўстлик ва ишонч муҳити шаклланиши таъкидланди.

Нурсултон Назарбаев бу галги давлат таширфи мамлакатларимиз ўртасидаги стратегик шериклик ва иттифоқчиликни мустаҳкамлашга муҳим аҳамият касб этишини қайд этди.

Сўнг Шавкат Мирзиёев Қозоғистон Республикасининг Биринчи Президенти музейига ташриф буюрди.

Бу ерда Назарбаевнинг иш хоналари асл ҳолича сақлаб қолingan. Йилигишлар ва журналистлар билан учрашувлар ўтказилган мажлислар залида замонавий Қозоғистоннинг тараққиёт йўлига бағишланган экспозиция жойлашган. Қўллаб-қўллаш Қозоғистоннинг хорижий ҳамкорлар билан ташқи сийсий алоқаларидан сўзлайди.

Давлатимиз раҳбари музей билан танишиб, Фахрий меҳмонлар китобида қайд ёзиб қолдирди.

Ўзбекистон Президентининг давлат таширфи доирасида Нур-Султон шаҳрида мамлакатимиз элчихонаси янги биносининг очилиш маросими бўлди.

Президент Шавкат Мирзиёев ва Президент Қосим-Жомарт Тоқаев рамзий боғични кесиб, янги бинони тантанали равишда очдилар.

Икки мамлакатнинг давлат мадҳиялари янгради.

Президентлар элчихонада яратилган шароитлар билан танишди.

Замонавий бино юртимиз қурувчилари томонидан барпо этилган. Хоналар миллий услубда безатилган.

Дипломатик ваколатхона худудида асосий бино, консуллик бўлими, ходимлар учун уй, дипломатик миссия раҳбарининг қорроғоҳи, болалар ва спорт майдончалари жойлашган.

Музокара хоналари, анжуманлар залида кўча шариот мавжуд. Элчихонанинг ўз кўчхонаси ҳам бор.

Иш жараёнларини самарали ташкил этишга алоҳида эътибор қаратилган, ахборот технологиялари кенг жорий қилинган. Бу ердаги интерфаол усқунлар музокараларни онлайн шаклда ўтказиш имконини беради. Консуллик фаолияти учун “электрон навбат” тизими ўрнатилган, бу ерга келувчилар маълумотларини интерфаол тарзда олиш имкониятига эга.

Алоҳида эҳтиёжли одамлар учун ҳам зарур шароитлар яратилган.

Бир сўз билан айтганда, янги элчихона биносидида барчаси иш сифати ва самараси юқори бўлишига, қардош мамлакат билан шериклиқни янада кенгайтиришга қаратилган.

Шавкат Мирзиёев ва Қосим-Жомарт Тоқаев элчихонанинг Фахрий меҳмонлар китобида қайд ёзиб қолдирдилар.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев Қозоғистон Бош вазири Асқар Мамин ҳамроҳлигида Нур-Султон шаҳридаги ЕХРО ишбилармонлик марказида жойлашган Рақамли ҳукумат офисига ташриф буюрди.

Ушбу муассаса жорий йил сентябрь ойида очилган. Унинг таркибига Миллий таҳлил маркази, Рақамли трансформация маркази ва Миллий лойиҳа офиси кирди.

Давлатимиз раҳбари ситуациядан марказ имкониятлари билан ҳам танишди. Марказ барча маълумотлар базаларига уланади ва худудлар билан яқиндан ҳамкорлик қилади, бу эса реал вазиятни онлайн равишда қўриш, масалан, мамлакатда эмлаш суръатлари тўғрисидаги маълумотларни кузатиб бориш имконини беради.

Икчи ва ташқи савдо бўйича таҳлилий платформа имкониятлари намойиш қилинди. Унинг ёрдамида озиқ-овқат нархларини онлайн равишда мониторинг қилиш ва нарх-навоининг прогноз қўрсаткичларини шакллантириш мумкин. Бундан ташқари, офис негизида инновациялар ва аэрокосмик саноат соҳаларидаги лойиҳалар ишга туширилади.

Офис мустақиллиги Ўзбекистонда инсон капиталини ривожлантириш, IT-парклар ташкил этиш, дастуриятлар тайёрлаш, давлат хизматларини онлайн қўрсатиш бўйича қилинаётган ишларни эътироф этиб, Қозоғистон ҳам шу йўлдан бораётганини айтди.

Давлатимиз раҳбари бу соҳада тажриба алмашиш, давлат хизматлари соҳасига сунъий интеллект технологияларини кенг жорий этиш, ҳар бир ҳаётий вазиятни таҳлил қилиб, одамларга қўлайлик яратиш муҳимлигини таъкидлади.

Шу билан Президент Шавкат Мирзиёевнинг Қозоғистонга давлат таширфи якунланди.

ЎЗА

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИДА

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг навбатдаги Раёсат мажлисида Ўрмон ҳўжалиги давлат қўмитаси, Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги, Қишлоқ ҳўжалиги вазирлиги ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари раҳбарларининг Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 8 июндаги “Ер муносабатларида тенглик ва шаффофликни таъминлаш, ерга бўлган ҳуқуқларни ишончли ҳимоя қилиш ва уларни бозор активига айлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони ижросини таъминлаш юзасидан амалга оширилган ишлари, шу жумладан, ер участкаларини ажратишнинг барча учун тенг, шаффоф ва бозор тамойилларига асосланган тартибини жорий этиш, ер билан боғлиқ мулккий ва ҳуқуқий муносабатларда барқарорлиқни таъминлаш бўйича қўрилаётган чора-тадбирларнинг амалдаги натижадорлиги тўғрисидаги ҳисоботлари эшитилди.

Маълумки, ер юртимиз, халқимизнинг муҳим умумийлиги бойликларида бири бўлибгина қолмай, ҳар қандай мамлакат, ҳар қандай иқтисодий тизим шароитида халқ ҳўжалигининг барча тармоқларини ривожлантиришнинг асосий пойдевори, айниқса, қишлоқ ҳўжалигининг ҳал қилувчи ишлаб чиқариш воқисасидир.

Эндиликда ер ресурсларининг аниқ ҳисобини юритиш, қишлоқ ҳўжалигини ривожлантириш, ишлаб чиқариш ва тадбиркорлик каби қўллаб соҳаларни барқарор бошқаришда янгила ёндашуш шаклланди.

Шу билан бирга, ҳозирга қадар қишлоқ ҳўжалигига мўлжалланган ерлардан бошқа мақсадларда фойдаланиш, ерларни ўзбошимчалик билан эғла-

лаш ва ноқонуний қурилишлар олиб бориш ҳолатларига барҳам берилмаган.

Жорий йилнинг 10 ноябрь ҳолатига республика бўйича 58 682 та ҳолатда 16 минг 326 гектар ер майдонларини ноқонуний эғаллаб олиш, уй-жой ва бошқа бино-иншоотлар қуриш ҳолатлари аниқланган.

Ачинарлиси, юқоридаги каби қонун бузилиш ҳолатларининг 9 минг 241 гектари (56,6 фоиз) — сугориладиган экин майдонларида экани, жумладан, Наманган вилоятида 2255 гектар, Самарқанд вилоятида 2100 гектар, Жиззах вилоятида 1923 гектар, Фарғона вилоятида 1662 гектар ва Хоразм вилоятида 723 гектар ер майдони ўзбошимчалик билан эғаллаб олинган.



Бундан ташқари, Фармон қабул қилингандан кейин туман ва шаҳар ҳокимлари томонидан ерларни ажратиб бериш, бириктириш ёки бошқача йўл билан тасарруф этиш каби қарорлар қабул қилишда қонунчилик талабларига тўлиқ риоя этилган.

Мисол учун, Шароф Рашидов туманида 700 гектар, Боёвут туманида 11



# ҲАРАКАТЛАР СТРАТЕГИЯСИДАН — ТАРАҚҚИЁТ СТРАТЕГИЯСИ САРИ

# ОНА ЮРТИМ, ҲУСНИНГНИ МЕН ШАЙДОСИ

## ёхуд мумтоз санъатимизнинг илоҳий қудрати

**Муножат ЙЎЛЧИЕВА,  
Ўзбекистон Қаҳрамони**

Бошланиши 1-бетда

Мамлакатни ривожлантиришнинг ушбу амалий дастури билан танишар эканман, беихтиёр кўз ўнгимдан сўнгги беш йил ичида кечган янгилаш ва ўзгаришлар гавдаланди. Шунга таъкидлаб ўтиш лозимки, кейинги йилларда барча соҳалар қатори маданият ривожига ҳам алоҳида эътибор қаратилаётгани биз, санъаткорларга юксак шижоат ва илҳом бағишламоқда. Миллий маданиятимизни ривожлантириш, халқимизнинг маънавий-маърифий савияси ва билимини янада ошириш, моддий ва номоддий маданий мерос объектларини асраб-авайлаш ҳамда оммалаштириш, маданият ва санъат муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, маданият соҳаси вакиллари кўллаб-қувватлашга қаратилган комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Президентимизнинг “Ўзбекистон Республикасида миллий маданиятни янада ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”, “Моддий маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”, “Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги қарорлари ҳамда “Маданият ва санъат соҳасининг жамият ҳаётидаги ўрни ва таъсири янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги фармони, шубҳасиз, маданият соҳасидаги янги ютуқлар суръатини, ўзгаришларни таъминлашга хизмат қилмоқда.

### Яшил саксовулзорлар денгиз ҳақида куйлайди, ўйлайди...

Президентимиз ўзининг қатор маърузаларида мумтоз санъатимизни ўрганиш ва уни тарғиб қилиш борасидаги муаммоларга кўюнчаллик билан фикр билдириб келади. “Олдиндан оққан сувнинг қадри йўқ”, дея беҳиз айтишмаган. Ўз юртимизда бўлган концертлар ва сафарлар чоғида миллий мусиқа ва санъатимизни англай олмайдиган, тинглай олмайдиган юртдошларимизни учратганман. Шундай инсонларни кўрганимда, “Бир қадам юриб хорижга чиқиб кўринг, сизга, энг аввало, кимларнинг авлодсан, қайси юртдан келдинг, дея савол беришадди. Шундай экан, хориж саҳналарини титратган, бошқа миллатга мансуб санъат ихлосмандларини йиллатган мумтоз санъатимизни нега қадрламайсиз?” деб айтгим келарди.

Мустақиллигимизнинг 30 йиллиги арафасида Республика Маънавият ва маърифат маркази тарғиботчила-

“Орта назар солсам, қанийди, бугунгидек имконлар бизнинг ёшлигимизда ҳам бўлганида эди, дейман. Кўп нарсаларга улгурмаямиз. Вақт жуда тез ўтиб кетяпти гўё... Мақом йўналишида ҳали очилмаган қирралар анча. Талабаларга сабоқ бериш асосида битмас-туганмас мусиқий меросимиз борлигига амин бўламан. Уларга қўшилиб ўзим ҳам ўрганиб, ҳайратланиб бораман...”

ри гуруҳи билан юртимизнинг турли ҳудудларида бўлиб, концертлар ва учрашувлар ўтказди. Айниқса, Қорақалпоғистон Республикасига бўлган таширифимиз таассуротларга бой бўлди. 75 ёшга кирган отахон учрашувдан сўнг кўзларида ёш билан ёнимга келди: — Муножатхон, мен 75 га кириб ҳали бундай концертда бўлмаган эдим. Сизни фақат телевизорда кўрардик. Бугун эса сизлар чекка-чекка кишлоқларга ўзларингиз келиб гўзал томошалар бераёсизлар. Бир пайтлар менинг отам



QR-кодни сканер қилиш орқали видеога ўтинг!

Маъмуржон Узоқов, Жўраҳон Султоновни эшитиб йиллар эди. Ушанда мен бу ашулаларни яхши кўриб тингласам, отам нима учун йиллаганини тушунмаганман. Мана энди қўшиқларингизни тинглаб, улардаги сеҳрни англагандек бўляпман. Мақомларимизда илоҳий қудрат бор экан. Юрагимиздаги ватанни, жуда ички бир соғинчни уйғотиб юборар экан бу кўхна оҳанглар. Қолаверса, мумтоз санъатимизни, миллий қўшиқларимизни ёшлар бутунлай унутиб юборган, деб хафа бўлиб юрардим. Мана, бугун сизнинг шоғирдларингиз куйлаган ашулаларни сел бўлиб тингладик. Шу болаларнинг ота-онасига, сиздек устозларига минг раҳмат! Фурсатдан фойдаланиб, Президентимизга ҳам сизлар орқали раҳматлар айтимоқчиман. Шунча йиллардан бери Орол денгизининг қуришига бағишлаб анжуманлару йиғилишлар ўтказилгани билан ҳеч ким бу денгизга бир пиёла сув куймаган. Бироқ Президентимиз бу муаммони кўтариб чиқибгина қолмай, бу масалага бутун дунё нигоҳини қаратди. Юртбошимиз бошчилигида экилган саксовулзорларга қараб ҳам қувонгим, ҳам йиллагим келади. Бу зангор саксовулзорлар денгизни туш кўради, тинчлик, фаровонлик ҳақида куйлайди, назаримда. Фақат гап билан эмас, иш билан, амал билан ёрдам берса бўлар экан-ку!

Отахоннинг бу гаплари менга жуда қаттиқ таъсир қилди. Пойтахтга қайтсам, бу кунларимиз шиддатга ва ўзгаришларини эътироф қилгувчи бир мақола ёзмам, деб кўнглимга тугиб қўйдим.

### Юнус Ражабийнинг созини чалинг!

Ўтган йиллар давомида мени қувонтирган энг катта воқеалардан бири пойтахтимизда Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан

Ўзбекистон Давлат консерваторияси га ўқишга кириш учун имтиҳон топширганимда ҳам шу қўшиқни куйлаганман:

*Олам аро юртларнинг энг аълоси,  
Она юртим, хуснингни мен шайдоси.  
Бахтиёрман муҳаббатинга қозонсам,  
Шудир бахтим, шудир қалбим маъноси...*

Устозим Шавкат Мирзаев менинг ижромимни эшитиб, “Муножатхон, ашулани йўғон овоз билан, “Ў-ў-ў-ў-й, ё-р-а-а-а...”, деб бошласангиз, беихтиёр томошабин сизни диққат билан тинглай бошлайди”, дея тайинлаган. Ойнаҳоним Муборахон аянинг ҳам овозлари йўғон бўлиб, маҳалладаги



кичик йигинларда ва оила даврасида ўзига хос тарзда ашула айтарди. Устоз онамдан ўтган овозимнинг шу хусусиятини илган экан-да. Ҳа, устозлар йўлидан юриб, кам бўлмадик.

Бугун ҳам Юнус Ражабий номидаги Ўзбек миллий мусиқа санъати институтида истеъдодли ёшларни тарбиялаб вояга етказаятган фидойи устозлар анчагина. Яратилаётган санъат ва ижод намуналарига сайқал бериш учун ярим кечасигача шоғирдлари билан машқ қилаётган устозларни кўрсам, қувониб кетаман. Шундай инсонлар борлиги учун ҳам ҳар бир жабҳада юртимиз шаънини юксакларга кўтарадиган истеъдодли ёшлар камол топпоқда. Ушбу институтда дарс бериб келаётган Эркин Рўзметов, Шавкат Матёкубов, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар Комила Бўриева, Нодира Пирматова, танқил хонандалар Маҳмуджон Азимов, Ўлмас Оллоберганов каби устоз ва мураббийларнинг изланишлари ва ўзига хос сабоқлари алоҳида эътирофга лойиқ. Мумтоз санъатимизнинг моҳиятини англаб, миллий мусиқа ва ашулаларимизни ўрганаётган йигит-қизларга, “Ўз халқингизга муносоиб санъаткор бўлишни истасангиз, Юнус Ражабий каби устозлар йўлидан юринг. Устозларнинг

торини чалинг! Миллий қадриятларимиз ва анъаналаримизни қадрланг!”, деб таъкидлагим келади.

Орта назар солсам, қанийди, бугунгидек имконлар бизнинг ёшлигимизда ҳам бўлганида эди, дейман. Кўп нарсаларга улгурмаямиз. Вақт жуда тез ўтиб кетяпти гўё... Мақом йўналишида ҳали очилмаган қирралар анча. Талабаларга сабоқ бериш асосида битмас-туганмас мусиқий меросимиз борлигига амин бўламан. Уларга қўшилиб ўзим ҳам ўрганиб, ҳайратланиб бораман...

### Маданият ва санъат аҳлини ҳайратга солаётган замин

Бир гал Францияга борганимда машҳур адабий журналнинг бош муҳаррири Жан Пьер билан суҳбатлашиб қолдим. У Алишер Навоий газалларини француз тилига таржима қилган экан. Тили бошқа, дини бошқа бўлса-да, мумтоз адабиётимизни чин дилдан севадиган, мақомларимизни мароқ билан тинглайдиган бу зиёлининг фикрлари мени ҳайратга солган: “Муножат хоним, сизларнинг нафақат адабиётингиз, балки санъатингиз ҳам жуда ноёб. Бугун ўша кўхна тўқинлар яна уйғонмоқда. Эътибор беринг, маданият ва санъат борасидаги барча халқаро фестиваллар сизнинг юртингизда ўтказилмоқда. Алишер Навоий ҳазратлари айтганидек, Ҳар тунингиз қадр бўлиб, ҳар кунингиз Наврўз каби шодон кечмоқда”. Чиндан ҳам маданият ва санъат соҳасини ислоҳ қилиш борасида жуда катта ишлар амалга ошириляпти. Хусусан, музейларни инновацион қайта ташкил этишни кўзда тутувчи Музейлар



“

**2019 йилнинг 10-15 сентябрь кунлари Қўқон шаҳрида ЮНЕСКО шафелигида биринчи Халқаро хунармандчилик фестивалининг ўтказилиши, халқаро хунармандлар ташкилоти томонидан Қўқон шаҳрига “Дунё хунармандлари шаҳри” мақомининг берилиши ўзбек халқ амалий санъатининг халқаро миқёсдаги юксак эътирофи бўлди.**

”

Бухоро шаҳридаги “Ипак ва зирворлар” ҳамда Марғилон шаҳридаги “Атлас байрами” каби форумларда дунёнинг кўплаб давлатларидан ташриф буюрган маданият ва санъат намояндалари, хусусан, хунармандчилик соҳасида ўз илмий иши ҳамда амалий фаолияти билан донг таратган машҳур олим ва мутахассислар иштирок этгани алоҳида эътиборга лойиқдир. Мазкур тадбирлар соҳадаги маҳаллий вакиллари учун тажриба алмашинув майдончаларини яратди, энг муҳими, мамлакатимиз ҳақон ҳамжамияти эътиборини ўзига қарата олди.

### “Ўзбекистон деган юртни энди билдим, мақомларини тинглаб йиғладим...”

Илк бор 1995 йилда Франциянинг “Де ла Вилль” театрида ўтказилган фестивалда дунё саҳнасига чиқдим. Ташкилотчи аёл томошабинлар хоҳласа, куйлаган қўшиғимни тинглаши, хоҳламаса, чиқиб кетиши мумкинлиги, бундан хафа бўлмаслигим кераклигини айтди. Саҳнага чиқдим, ашулани бошладим, биринчиси, иккинчисини тугатдим. Хаёлимда эса қачон томошабин туриб чиқиб кетаркан, деган савол айланаверди. Бир ярим соатлик дастури-миз якунига етди. Аммо ҳеч ким задалан чиқиб кетмади. Ташкилотчи аёл ёнимга келиб: “Сен нима қилдинг, томошабинларни сеҳрлаб қўйдингми?” деб сўради. “Яхши айтдимми ўзи”, дедим ҳаяжон билан. У эса: “Жуда зўр, раҳмат”, деди. Ушанда “Мен шундай куйлайки, мақомларимизнинг жозибасини бошқалар ҳам ҳис қилсин”, деган қатъий аҳд билан саҳнага чиққандим. Якунда бизнинг кишлоқларимизни яхши кутиб олишди. Ўша концертдан сўнг бир олимпиа аёл ёнимга келиб, “Ўзбекистон деган юртни энди билдим, мақомларини тинглаб йиғладим”, деганида фахрланиб кетганман.

Яна бир воқеа. Бельгияда ўтказилган “Аёл овози” фестивалида очик дарс ташкиллаштирилган эди. Дарс ўтиш учун мени, араб ашулчасини ва эронлик бир қўшиқчини таклиф қилишди. Учаламизга, “Бельгияда яшаётган муҳлисларингиз дарсингизга қириб ўрганишлари мумкин”, дейишди. “Бу ердагилар тилимизни тушунмаса, ашулаимизни тушунармиди”, дея ҳайрон бўлиб турсам, продюсерлар энг кўп ўқувчи сизга келди, деб айтишди. Устозим Шавкат Мирзаев билан келишиб, осонроқ ашулалардан “Тановар”ни ўргатадиган бўлдик. Бироқ улар бизга, мақомлардан ўргатинг, деб қолди.

Ўшанда “Тошкент-Фарғона” йўналишидан “Баёт-4”ни ўргатганмиз. Дарсимиз сўнгиди “Ўзбекистонга келинлар”, дея таклиф қилдик. Орадан бир-икки йил ўтгач, улар ростдан ҳам Тошкентга келди. Андижонга, Ширмонбўлоқ кишлоғига бориб, ҳужжатли фильм тайёрлашди. Бельгиялик меҳмонларни Самарқанд, Бухоро, Хива, Қўқон шаҳарларидаги зиёратгоҳларга ҳам олиб бордик. Роса хурсанд бўлишди ва бизни Бельгияга навбатдаги фестивалга таклиф қилишди. Биз бордик. Анжуман бошланишидан олдин “Сизлар олдинги қаторда ўтирасизлар, чунки кутилмаган совғамиз бор”, дейишди. Бир пайт қарасак, экран ёришиб, Ўзбекистонда олинган лавҳалар намойиш этила бошланди. Самарқанддаги миноралар, Бухородаги зиёратгоҳлар... Сўнгра экранда раҳматли онам пайдо бўлиб, қўшиқ айта бошлади:

*Сунбулаю сунбула,  
Ураб олай гул билан.  
Менинг кўнглим сен билано,  
Сен кетасан ким билан,  
Қадамингга гуллар сочилсин...*

Ҳаяжондан кўзларимдан дув-дув ёш тўкилди. Ҳа, санъат дилларни дилларга, элларни элларга боғлайдиган ажойиб ришта экан... Устозим билан дунёда борматган жойимиз қолмади. Франциянинг ўзида 48 марта бўлибмиз. Концертларимиз доимо олқишлар билан кутиб олинди. Биз ҳақимизда кўп марта ҳужжатли фильмлар олишди. Мусиқий альбомларимизни катта ҳаяжон билан сотиб олишди. Мен дунёда энг бахтли инсонман. Ўзбекистондек жаннатмонанд юртда эл-юрт ардоғида бўлдим, санъатим туфайли қайси юртга борсам, иззат-қиром билан кутиб олишди. Шоғирдларим “Нихол” мукофоти совриндори Адолат Исмоилова, мақом ансамбли хонандалари Тўрабек Мухторов, Дурдона Шодмонова, айни пайтда Юнус Ражабий номидаги Ўзбек миллий мусиқа санъати институтида сабоқ олаётган ёшлардан Лазиз Мухторов, Рустам Мирмонов катта саҳнага чиқиб, мумтоз санъатимиз намуналарини ижро этганида кўнглим нурга тўлади. Ахир улар билан кутиб эртанги давомчиларимиз, ноёб меросимизни ўргатадиган, ривожлантирадиган қоракўзларимиздир!

Ўқинда пойтахтимиздаги Анжуманлар саройида “Инсон қадри азиздир” деб номланган концерт дастуриمنى намойиш этдим. Олқишлар, гулдасталар ичра меҳрга, муҳаббатга ташна, эзгу ишлар завқида яшаётган юртдошларимизнинг нигоҳларини кузатдим. Улар учун қанчалар кўп қуйласам, шунчалар ўзимни бахтли деб ҳисоблайман. Ахир, она халқим учун қуйлашга ҳамisha бўрчиман, азизлар!





## 8 ДЕКАБРЬ — ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИ ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН КУН

# КОНСТИТУЦИЯВИЙ МАДАНИЯТ ВА ИЖРО ИНТИЗОМИ

**Ҳожимурод ОДИЛҚОРИЕВ,**  
**Юристар малакасини ошириш маркази кафедра мудири,**  
**юридик фанлар доктори, профессор**

### Ҳаёт ва фаолиятимизни тартибга солувчи тамойилга айлана оляптими?

Мамлакатимиздаги кўламли ислохотлар жараёнида қонунчилик ҳужжатлари салмоғи ортиши кузатилмоқда. Сўнгги беш йилда 300 дан ортиқ қонун, Президентимизнинг 535 та фармони ва 1446 та қарори, Вазирлар Маҳкамасининг 3102 та қарори қабул қилинди. Уларнинг муайян қисми белгиланган муддатларда ижро этилмай ёки лозим даражада бажарилмай қолаётгани сир эмас.

Қонунчилик ҳужжатлари ижросини қатъий таъминлаш эса давлат бошқаруви самарасига таъсир этмай қолмайди, албатта. “Иш боши — интизом” деганларидек, интизом бор жойда самара бор, натижа бор. Қабул қилинаётган қонунчилик ҳужжатлари ижросини ташкил этиш ва самарали мониторинг тизимини яратиш, белгиланган марраларга эришиш бўйича барча даражадаги раҳбарларнинг шахсий масъулиятини кучайтириш мақсадида жорий йил 10 февралда Президентимизнинг “Қонунчилик ҳужжатлари ижросини самарали ташкил этишда давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарларининг шахсий жавобгарлигини кучайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони қабул қилинди.

Унда қонунчилик ҳужжатлари ва Президент топшириқларининг сўзсиз, ўз вақтида ҳамда самарали ижро этилиши учун мутасаддиларнинг шахсий жавобгарлиги белгилаб берилди, бунда ижро интизомини мустаҳкамлашнинг бир неча устувор вазифаларига эътибор қаратилди. Дастлаб норматив-хуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш бўйича қатъий назоратни ташкил этиш, тегишли экспертизалар ўтказиш, шунингдек, ваколатли органлар билан ўз вақтида келишиш муҳим бўлса, кейинги вазифа қабул қилинаётган қонунчилик ҳужжатларини бевосита ижрочиларга тезкор етказиш, жумладан, кенг жамоатчилик ва аҳолига эришилаётган натижалар ҳамда белгиланган мақсадларни тушунтириш бўйича комплекс чоралар қўришдир.

### Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш концепцияси

Конституциявий-хуқуқий маданият жамият умумий ҳуқуқий маданиятининг муҳим таркибий қисми, унинг алоҳида шакли тарзида майдонга чиқади. Жамиятнинг ҳуқуқий маданияти унда амалда бўлган қонунлар, айниқса, Конституция билан бевосита алоқадорликда намоён бўлади. Давлатимиз раҳбари ҳуқуқий маданият мавзусига алоҳида эътибор қаратиб, 2019 йил 9 январдаги фармони билан Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш концепциясини тасдиқлади.

Конституциявий маданият Конституцияга мослик, конституциявий қадриятлар, инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳақидаги билимларнинг оддий йиғиндиси эмас, балки бу билимларга муносабатдир. Ўяни улар ҳаёт ва фаолиятнинг регуляторига (тартибга солувчи омилга) айландими ёки йўқми? Мана шу билимларга, маънавий бойликка ижобий муносабат шакллансагина, конституциявий маданият мавжудлиги ҳақида гапириш мумкин. Зеро, мазкур маданият инсон ва жамият ҳаётида ижодий ва тартибга солувчи роль ўйнайди. Унинг асосини юксак ривож топган конституциявий-хуқуқий онг ташкил этади. Шу билан бирга, жамият аъзоларида, давлат органлари, мансабдор шахслар ва фуқаролик жамияти тузилмаларида муайян конституциявий тафаккур ва дунёқараш қарор топиши лозим.

Юртимизда ижобий конституциявий маданият шакллангани, бир томондан, Бош қонунимиз нормаларини қўлловчи органлар, мансабдор шахслар, ижтимоий тузилмаларнинг рисоладагидек фаолиятида, иккинчи томондан, Конституция ва қонунларнинг муҳофаза механизмлари, мутасадди идоралар ва шахсларнинг ижрочилик интизомида намоён бўлади.

### “IURO.GOV.UZ” ягона электрон тизими қандай механизм асосида ишлайди?

Самарали давлат бошқаруви тизимини яратиш жараёнида ҳар бир ҳодим зиммасидаги вазифаларни виждонан, сифатли ва масъулият билан бажари-



ши муҳим. Шу боис, замонавий бошқарув услубларини амалиётга жорий этиш, назоратни амалга ошириш шаклларини такомиллаштириш ва белгиланган вазифалар бажарилишини таъминлаш борасида давлат органлари раҳбарларининг шахсий жавобгарлигини ошириш бўйича қатъий талаблар ва баҳолаш мезонлари кучайтирилмоқда. Ижро интизоми тизимини тубдан қайта қўриб чиқиш ва янги механизмларни жорий этиш бўйича ишларни ташкил қилишда Президентимизнинг юқорида кайд этилган фармони ҳамда 2021 йил 31 майдаги “Ijro.gov.uz” ижро интизоми идоралараро ягона электрон тизими самарали фаолият кўрсатишини таъминлашга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори асос бўлди.

Аввало, келиб тушаётган барча топшириқ ва муրжаатлар уларнинг ижрочиларга етказилишидан ижро этилишига қадар доимий назоратни таъминлаш мақсадида тўлиқ электрон форматга ўтказилди. Қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқларнинг ижросини барвақт таъминлашда назорат режалари ишлаб чиқиш, ижрочиларнинг топшириқлар устида бир вақтнинг ўзида ишлашни мувофиқлаштириш, марказий аппарат ва ҳудудий бўлинмаларда қонунчилик

ҳужжатлари ҳамда топшириқларни ижро этиш жараёнининг кунлик мониторингини амалга ошириш, бошқа давлат органлари билан маълумот ва ахборотлар тезкор алмашувини йўлга қўйиш каби босқичлардан иборат аниқ механизм жорий этилди.

### “Технологик занжир” нима?

Янги ижро интизоми тизими жорий қилинишининг тезкор самараси барча вазирлик, давлат қўмиталари ва ҳокимликлар фаолиятида бевосита намоён бўлмоқда. Бунга эришишнинг асосий омилларидан бири ижро интизомини мустаҳкамлашда ягона ва узлуксиз “технологик занжир”нинг яратилишидир. Қонунчилик ҳужжатлари лойиҳаларини ҳар томонлама пухта ҳамда профессионал даражада тайёрлашдан улар ижросини самарали ва режали ташкил қилиш, бажарилиш ҳолатини мақсадли ўрганиш ва аниқланган камчиликлар бўйича таъсирчан чоралар қўришгача жараёнлар “технологик занжир”нинг мустаҳкам ҳалқаларини ташкил этади. Улар қаторига барча давлат бошқарув органлари раҳбарияти ва ходимлари шахсий масъулиятини бел-

гилаш ҳамда ижрони ўз вақтида таъминламаган раҳбар ҳамда ходимларга нисбатан қатъий интизомий чораларни қўллашнинг киритилиши унинг аҳамиятини янада оширади.

Қонунлар, Президент фармонлари, қарор, фармойиш ва топшириқлари ижросини назорат қилишнинг янги тизими жорий этилгани муҳим жараёндир. Барча давлат бошқаруви ва маҳаллий ижро этувчи органлар “Ijro.gov.uz” ижро интизомини мониторинг қилувчи идоралараро ягона электрон тизимига уланди.

Қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқлар ижросини таъминлаш ҳамда назорат қилиш бўйича ўрнатилган ўзаро янги ҳамкорлик тизимига мувофиқ, давлат бошқаруви органлари ўз ишини беш босқичда амалга оширади.

Биринчи босқичда қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқларнинг электрон нусхалари Ўзбекистон Президенти Администратцияси томонидан “Ijro.gov.uz” тизими орқали Адлия вазирлигига юборилади. Вазирлик “Ijro.gov.uz” тизимда ижро муддатлари ва масъул шахсларни қабул қилган ҳужжатларига мувофиқ белгилайди.

Ундан кейинги босқичда ушбу вазифаларнинг ўз вақтида ва самарали ижросини таъминлаш мақсадида масъул ижрочилар ҳар бир вазифани

### “Янги Ўзбекистон” учун махсус

## “Ўзбекистон ва Қозоғистон Президентларининг музокаралари ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш йўлидаги муҳим қадам бўлди”

**Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 5-6 декабрь кунлари Қозоғистонга давлат ташрифи ва Президент Қосим-Жомарт Тоқаев билан музокаралари якунлари халқаро экспертлар ва таҳлил доиралар вакиллари томонидан катта қизиқиш билан ўрганилмоқда.**

**Илгар ВЕЛИЗАДЕ,**  
**“Жанубий Кавказ” сиёсатшунослар клуби**  
**раҳбари (Озарбайжон):**

— Ўзбекистон — Қозоғистон мулоқоти Марказий Осиё минтақавий хавфсизлик тизимининг тамал тоши, мустаҳкамловчи асоси ҳисобланади. Минтақавий ялпи ички маҳсулотнинг асосий улушига эга бўлган ушбу давлатлар ҳудудида Марказий Осиё аҳолисининг ундан икки қисмдан кўпроғи истикомат қилади.

Шу сабабли, Марказий Осиё интеграцияси вектори ва минтақадагеоисий иқлим Тошкент ва Нур-Султоннинг ўзаро муносабатларига, улар юритаётган сиёсатнинг ўзаро мувофиқли даражасига кўп жиҳатдан боғлиқ.

**Че Ён ХА,**  
**Корея Республикасининг**  
**Ўзбекистондаги собиқ элчиси:**

— Президент Шавкат Мирзиёевнинг Қозоғистонга давлат ташрифи Ўзбекистон — Қозоғистон стратегик мулоқотини янада мустаҳкамлаш, томонларнинг ўзаро манфаатли ва тенг ҳуқуқли ҳамкорликка қаратилган фаол ташқи сиёсатини давом эттиришда муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон ва Қозоғистоннинг яхши қўшничилик муносабатларини мустаҳкамлаш истағи юксак эътирофга сазовор, бинобарин, бу нафақат икки томонлама ҳамкорликни ривожлантириш, балки Марказий Осиё минтақасидаги барча мамлакатлар келажағи учун жуда аҳамиятлидир.

Икки давлат сўнгги йилларда турли соҳаларда муваффақиятли ҳамкорлик қилиб келмоқда. Пандемиянинг глобал иқтисодий оқибатларига қарамасдан, мамлакатлар ўртасидаги савдо ҳажми жорий йил бошидан буюн қарийб 40 фоизга ошди ва 2021 йил охирига қадар икки томонлама савдо алоқалари бўйича рекорд кўрсаткич — 4 миллиард долларга етиши кутилмоқда.

Бу галги ташриф ва унинг доирасида ўтказилган музокаралар ўзаро муносабатларни янги, янада юқори поғонага кўтаришда муҳим аҳамиятга эга.



минтақа ва дунёдаги тез ўзгарувчан геосиёсий вазиятда дундаж ўрашувларга эҳтиёж сезиларли даражада ортади.

Бу галги саммит кун тартибига сиёсий мулоқотни чуқурлаштириш, савдо-иқтисодий ҳамкорликни, авва-



Ташриф арафасида Нур-Султон шаҳрида Ўзбекистон — Қозоғистон бизнес-форуми ва Ишбилармонлар кенгашининг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди, унда икки мамлакат ишлаб чиқарувчилари ўртасида саноат ҳамкорлигини янада ривожлантириш, Ўзбекистон ва Қозоғистон иқтисодиётининг қийсий

ламбор, амалий алоқаларни кенгайтириш, иқтисодиётнинг турли тармоқларида самарали лойиҳаларни бажариш, гуманитар ҳамкорликни фаоллаштиришга доир кенг кўламли масалалар киритилгани ҳам тасодифий эмас.

Томонлар барча долзарб мавзуларни батафсил муҳокама қилди, нафақат ўзаро ҳамкорлик, балки халқаро майдонда манфаатларни биргаликда илғи суриш нўқтаи назаридан ҳам истиқболдаги ҳамкорлиқнинг асосий йўналишларини белгилаб олди. Шу ўринда Афғонистон муаммосини ҳал этиш, минтақада қуrolли можаролар ва бошқа гуманитар инқирозларнинг олдини оладиган муҳитни яратиш мавзусига алоҳида эътибор қаратилди.

устунликларини ҳисобга олган ҳолда узлуксиз қиймат занжирларини шакллантириш истиқболлари белгилаб олинди.

Республикалар иқтисодиёти барқарор ўсишни намойиш этмоқда. Бу ҳолат икки давлатнинг географик яқинлигини инобатга олган ҳолда, Ўзбекистон билан Қозоғистон ўртасидаги савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорликни янада кенгайтириш учун қўлай имкониятлар тақдим этади.

Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Президенти лавозимига қайта сайланганидан сўнг икки давлат раҳбарларининг илк учрашуви, ташриф якунлари бўйича имзоланган ҳужжатлар ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш йўлида муҳим қадам бўлиши билан бирга минтақадаги интеграция жараёнлари ривожига ҳам хизмат қилади.

амалга оширишнинг аниқ механизмларини белгилаб, “йўл харита”ларни тайёрлайди, давлат органлари раҳбариятига тасдиқлатиб, амалиётга жорий қилади. Тегишли ҳужжатга мувофиқ, ижроси таъминланган топшириқ натижалари масъул ижрочилар томонидан “Ijro.gov.uz” тизимига киритилади. Адлия вазирлиги натижаларни қўриб чиқади, ижро натижалари қониқарсиз бўлганда, улар қайта ишлашга юборилади. Белгиланган вазифалар сифатли бажарилса, ижро ҳолати “Ijro.gov.uz” тизимида тасдиқланади. Охириги босқичда Вазирлар Маҳкамаси ва Ҳисоб палатаси топшириқлар ижро этилиши даражасини қўриб чиқади ва бажарилган ишлар натижаларини тасдиқлаш тўғрисида тегишли қарор қабул қилади.

### Илғор ижтимоий тараққиёт гарови

Президентимизнинг 2021 йил 22 июлдаги “Вазирликлар, давлат қўмиталари, давлат бошқарувининг бошқа органлари ва ҳўжалик бирлашмалари раҳбарлари ўринбосарларининг фаолияти самарадорлигини баҳолаш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги қарорида сифат жиҳатидан янги босқичда давлат бошқаруви органлари раҳбарлари ўринбосарларининг шахсий жавобгарлиги масалалари белгиланди ва уларнинг фаолияти самарадорлигини баҳолашнинг янги тизими жорий этилди. Ушбу қарорга кўра, вазирликда вазир ўринбосарларининг фаолияти самарадорлиги ҳамда мақсадли вазифаларга эришишларини баҳолашнинг асосий мезонларини халқаро усул ва тамойиллар — KPI (Key Performance Indicator — асосий ишлаш кўрсаткичи) асосида бажаришни тизимли назорат қилиш йўлга қўйилди.

Барча давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, фуқаролик жамияти институтлари фаолиятида конституциявий қонунийликни, қатъий ижрочилик интизомини собиққадамлик билан таъминлаш, жамият аъзоларини қонунчилик руҳида тарбиялаш, уларни ижобий-хуқуқий ҳулқ-атвор ва конституциявий маданият соҳибларига айлантириш нафақат Бош қонунимизга чексиз ҳурматни шакллантиради, балки илғор ижтимоий тараққиётнинг гарови бўлиб хизмат қилади. Давлат ҳокимияти тармоқлари ўртасидаги муносабатлар конституциявий бўлишини, конституциявий қонунийчилик қарор топишини таъминлайди. Давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг конституциявий маданиятини шакллантиради.

**Симада ТАКАО,**  
**Сидзуока префектураси университети**  
**профессори (Япония):**



Ташқи сиёсатдаги позицияларнинг мос келиши ҳам эътиборга лойиқ. Бу натижалар ҳар икки давлатнинг ҳамкорликка нисбатан чўқур ёндашувини, интеграция масалалари сезиларли даражада ривожланиб бораётганини намоён этмоқда. Ўзаро ҳамкорлик турли даражаларда мустаҳкамланмоқда: икки томонлама алоқалари ҳудудлар, ҳўжалик юритувчи субъектлар ва, албатта, оддий инсонлар ўртасидаги муносабатларда кузатсак, кўп томонлама алоқалар халқаро ташкилотлар ва интеграция бирлашмаларидаги иштирокда ёрқин кўзга ташланмоқда.

Сермазмун музокаралар кун тартиби ҳам кенг кўламини ташкил қилмоқда. Бу жараёнда иқтисодий ҳамкорлик масалалари ва сиёсий баёнотларнинг мутаносиблигига эътибор қаратмоқчиман. Жумладан, Афғонистон масаласига ечим топишда ҳам буни қўриш мумкин. Минтақа етакчи давлатларининг прагматик дипломатияси Афғонистоннинг яққалланиб қолиши ва у ерда гуманитар инқироз юзга келишига йўл қўймайди, деб умид қиламиз.

**“Дунё” АА**



**Муҳиддин КАЛОНОВ,**  
**Тошкент давлат иқтисодиёт университети проректори,**  
**Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантиришнинг илмий**  
**асослари ва муаммолари илмий-тадқиқот**  
**маркази директори, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор**



Янги Ўзбекистон иқтисодиётини янада ривожлантириш борасида бир қанча стратегик вазифалар турибди. Янги Тараққиёт стратегиясини таъминлаш учун таркибий изчил ислохотларни амалга ошириш даркор. Президентимиз томонидан бош мезон сифатида илгари сурилган “Ҳаракатлар стратегиясидан — Тараққиёт стратегияси сари!” ғоясини ҳаётга татбиқ этишда илм-маърифат ва инновация асосий таянч устунларга айланади.

Иқтисодиётни инвестиция ресурслари билан таъминлаш корхоналарни соғлом рақобат таъминлашлари асосида молиялашни тақозо этади. Капитал бозори ва банк тизими барқарорлиги эса мамлакат иқтисодий салоҳиятини оширишнинг муҳим омилларидандир. Шу мақсадда капитални жалб қилиш ҳамда корхоналар, молиявий институтлар ва аҳолининг эркин маблағларини жойлаштиришнинг муқобил манбаи сифатида молия бозорини ўрта ва узоқ муддатли истиқболда ривожлантириш концепциясини ишлаб чиқиш талаб этилади.

## ХУҚУҚИЙ АСОС ВА АМАЛИЙ НАТИЖАЛАР

Миллий иқтисодиётимизни шакллантириш шароитида банк-молия ва саноат соҳаси тараққиётига алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Бунда иқтисодиётни ривожлантирган мамлакатлар сингари Ўзбекистонда ҳам тижорат банклари ресурсларини фаол тарзда турли саноат корхоналарининг капиталлашув даражаси ва молиявий барқарорлигини таъминлашга жалб қилиш муҳим ўрин тутаяди.

Банк тизимининг ривожланиши ва барқарорлигини оширишнинг муҳим шартларидан бири банкларнинг ўз маблағлари ҳажминини ошириш ва кредит ташкилотлари томонидан олинган хатарларни ўз капитали билан етарли даражада қопланганида намоён бўлади.

Бу борада қўллаб-қувватловчи ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинган иқтисодий амалий натижаларга эришилган асос бўлмоқда. Хусусан, Президентимизнинг 2018 йил 23 мартдаги “Банк хизматлари оммабоплигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори тижорат банкларини янги инфратузилмалар билан таъминлаш, рақамли технологияларга асосланган хизмат турларидан фойдаланишга кенг йўл очди.

Мамлакатимизда миллий тўловлар тизими, нақд пулсиз ҳисоб-китоблар инфратузилмасини янада ривожлантиришга қаратилган чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Шунга қўра, 2019 йил 1 ноябрда “Тўловлар ва тўлов тизимлари тўғрисида”ги қонун қабул қилиниши ортдан юртимизда тўловларни узлуқсиз амалга ошириш ва замонавий технологияларни кенг жорий қилиш, шу билан бирга, тизимнинг самарали, ишончли ва хавфсиз ишлашини таъминлашга имконият яратилди.

2019 йил 5 ноябрда қўйилган “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунига ўзгаришлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги қонун Жаҳон банки қўмағида илғор хорижий тажриба, умумэътироф этилган нормалар ва стандартлар асосида ишлаб чиқилди. Охириги беш йилда пул-кредит сиёсати соҳасида ислохотлар натижасида истеъмол товарлари ҳажми сезиларли ошиб, ўзаро мувофиқлашган макроиқтисодий сиёсат ҳамда тариф ва нотариф борасида салмоқли ишлар қилинди. Инфляцияни таргетлашга босқичма-босқич ўтишга таянган ҳолда Марказий банк томонидан инфляцияни пасайтиришга қаратилган қатъий пул-кредит сиёсати юритилмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2020 йил 12 майдаги “2020-2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислох қилиш тўғрисида”ги фармонида мамлакатимиз банк тизимида давлат улушини босқичма-босқич камайтириш, молия бозорига тенг рақобат шароитларини яратиш, кредитлашни фақат бозор шартлари асосида амалга ошириш, банкларнинг давлат ресурсларига қарамлигини пасайтириш, хизмат кўрсатишни модернизация қилиш, соҳада самарали инфратузилма яратиш ва автоматлаштириш, шунингдек, улар фаолиятига хос бўлмаган функцияларни бекор қилиш орқали самарадорлигини ошириш вазифалари белгиланган берилди.

Ушбу фармонга мувофиқ, “Ипотекабанк”, “Ўзсаноатқурилишбанк”, “Асакбанк”, “Алоқабанк”, “Қишлоққурилишбанк” ва “Туронбанк”ни хусусийлаштириш бўйича қарор қабул қилинди.

Бундан ташқари, 2020 йилда “Ўзсаноатқурилишбанк” ва ЕТББ ҳисобида маҳаллий ишлаб чиқарувчилар, экспортёрлар, кичик ва ўрта

бизнесни молиялаштириш учун 40 миллион доллар миқдоридан кредит линиясини жалб қилиш юзасидан кредит шартномаси имзоланди. Банк андеррайтинг жорий этди ва бу кредитлаш операцияларини ходимлар иштирокисиз амалга оширишга ўтди.

Мамлакатимизда 2016 йилгача ички валюта бозори ва нақд пул муомаласида мавжуд муаммолар йиллар давомида инфляциянинг юқори даражада шаклланишига йўл очиши билан бирга тадбиркорлиқни ривожлантиришга салбий таъсир кўрсатиб келарди. Бу муаммоларнинг бартараф этилиши пул-кредит сиёсатини такомиллаштириш ва инфляция даражасини пасайтириш учун замин яратяпти. 2017 йилга келиб, пул-кредит сиёсатини ривожлантиришда инфляцияни таргетлаш режимини жорий қилишга киришилди. Мамлакатимизда нархлар барқарорлигини таъминлаш мақсадида 2020 йилдан инфляцияни таргетлашнинг фаол босқичига ўтилиб, 2021 йилда инфляция даражасини 10 фоиз, 2023 йилда эса 5 фоиз даражадаги доимий инфляцияни таргетлаш пасайтириш вазифаси қўйилди. Бунинг натижасида инфляция даражасини 2017 йил якунидаги йиллик 18,8 фоиздан 2020 йил охирида 11,1 фоизгача пасайтиришга эришилди.

Шунингдек, аҳолининг банкноматлардан нақд пул ечиб олиш ҳажми 2017 йилда 98 миллиард сўмни ташкил этган бўлса, 2021 йилга келиб, 90 триллион сўмга етди. Муомаладаги нақд пулнинг банкларга келиб тушиш кўрсаткичи 2017 йилдаги 27 фоиздан 2020 йилда 65 фоизгача кўпайди. Аҳолининг нақд пул ечиш имкониятини кенгайтириш мақсадида банкномат ва инфокиосклар сони 4,9 мингтадан қарийб 12,7 мингтага етказилди. Худудлардаги чакана савдо ва пулли хизматлар кўрсатиш шохбчалари ҳамда банк инфратузилмаларига ўрнатилган тўлов терминаллари сони 2017 йилдагига нисбатан 2 баробар кўпайиб, 2021 йил октябрь ҳолатига



умумий сони 435 мингтадан ошиб кетди. Тижорат банклари томонидан аҳоли ва тадбиркорлик субъектлари учун банк карталарининг умумий сони 2017 йилдагига нисбатан 1,3 баробар ортиб, 2021 йилнинг 1 октябрь ҳолатига қарийб 25,2 миллион донани ташкил этди.

Юридик ва жисмоний шахсларнинг ўз эҳтиёжлари учун валюта сотиб олиши ва сотиши учун тўлиқ имкониятлар эшиги очилди, товарлар (иш, хизматлар) экспортдан тушган валюта тушумини мажбурий сотиш тартиби мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча экспортчи ташкилотлар учун бутунлай бекор қилинди. Бунинг натижасида юридик шахслар томонидан ички валюта бозорига сотиб олинган хорижий валюта ҳажми 2020 йилда 2017 йилдагига нисбатан 2,1 баробар ортиб, 20 миллиард АҚШ долларидан ошди. Жисмоний шахслар томонидан айирбошлаш шохбчалари орқали хорижий валютани сотиш ҳажми 2020 йилда 2017 йилдагига нисбатан 5,3 баробар ошиб, 4,6 миллиард АҚШ долларига ҳамда хорижий валютани сотиб олиш ҳажми 22 баробардан зиёд кўпайиб, 4,1 миллиард АҚШ долларига етди. Мамлакатимизнинг олтин-валюта захиралари ҳажми 2021 йил 1 сентябрь ҳолатига 35,4 миллиард АҚШ долларини ташкил этиб, 2017 йилдагига нисбатан 1,3 баробар кўп бўлди.

Иқтисодиётимизга ажратилган кредит қўйилмалари ҳажми 2017 йилдагига нисбатан 6 баробар ошиб, 2021 йил якуни бўйича 332 триллион сўмга ҳамда унинг ЯИМдаги улуши 20 фоиздан қарийб 50 фоизга етиши кутиляпти. Аҳолини уй-жой билан таъминлашнинг бозор таъминловчиси асосланган янги тартиби жорий этилди ва ипотека кредитлари ажратиш тартиби соддалаштирилди. Тижорат банклари томонидан 2017-2020 йилларда жами 262,1 минг фуқарога умумий қиймати 32,1 триллион сўм ипотека кредитлари ажратилди. Кўчмас мулк бозорига ипотека кредитлари асосида сотилган уй-жойлар сонининг жами кўчмас мулк олди-сотдисидидаги улуши 2017 йилдаги 22 фоиздан 2020 йилда 34 фоизгача ошди.

Оилавий тадбиркорлиқни ривожлантириш дастурлари доирасида тижорат банклари томонидан аҳолининг даромад топишга қаратилган фаолият билан шугулланиши ҳамда кичик тадбиркорлик субъектларининг лойиҳаларини молиялаштириш учун имтиёзли шартларда кредитлар ажратишнинг аниқ тизими жорий этилди. Сўнгги 4 йил давомида қарийб 934 мингдан орტიқ оилага 23 триллион сўм миқдорда шундай кредит ажратилди.

“

**Тижорат банклари томонидан 2017-2020 йилларда жами 262,1 минг фуқарога умумий қиймати 32,1 триллион сўм ипотека кредитлари ажратилди. Кўчмас мулк бозорига ипотека кредитлари асосида сотилган уй-жойлар сонининг жами кўчмас мулк олди-сотдисидидаги улуши 2017 йилдаги 22 фоиздан 2020 йилда 34 фоизгача ошди.**

Кредитларнинг реал ўсиши йилига ўртача 38,6 фоизни ташкил этди. 2021 йил 1 январь ҳолатига қўра, иқтисодиётга ажратилган кредит



лар миқдори 277 триллион сўмни ташкил этиб, унинг умумий ҳажми 2017 йилдагига нисбатан 150 фоиз ошди.

## ХИЗМАТДА — “РАҚАМЛИ БАНК”

Аҳоли сони йилдан-йилга ўсиб бораётгани хизмат кўрсатувчи тўлов терминаллари, банк-комат ва инфокиосклар сонини оширишни тақозо этади. Шу боис, сўнгги йилларда инновацияларга асосланган хизмат турларини кенгайтириш ва мавжудларини такомиллаштиришга катта эътибор қаратиб келинмоқда. Шулардан бири “рақамли банк” бўлиб, ундан фойдаланувчилар ўзларига қўлай ва ҳамёнбоп бўлган масофавий хизмат турини танлаш имкониятига эга.

Таҳлилларга қўра, ривожланган мамлакатларда банк инфратузилмаси йилдан-йилга замонавийлашиб борапти. “Рақамли банк”лар аънавийларини конфиденциаллик, хавфсизлик, муаммоларни ҳал этиш ва тўловларни амалга оширишнинг реал вақт режимида кечиши сингари асосий мезонлар бўйича ҳам ортада қолдирди. Янги тизим жараёнларнинг юқори даражада автоматлашуви, хизматларнинг веб-сайтларга

асосланиши, институтларро банк махсулотлари етказиб беришни таъминловчи дастурий интерфейс иловаларидан (API) фойдаланиш, миқозларга молиявий ахборотга компьютер, мобил телефон ва банкноматлар орқали боғланиш имконияти мавжудлиги билан ажралиб туради.

АҚШ, Япония, Буюк Британия, Жанубий Корея, Германияда ушбу хизмат тури аънавий банк хизматига айланиб бўлган. Туркия, Россия, Хитой, Ҳиндистон, Беларусда ундан фойдаланувчилар сони бошқа хизмат турларидан нисбатан юқори. Бу эса банкларга бориб муружаат этиш, ҳужжатларни тўлдириш ва ортиқча вақтни сарфлагандан қўра, исталган ердан арзон, қўлай ва сифатли тарзда фойдаланиши афзал эканини кўрсатмоқда.

2019 йилда Жаҳон банки молиявий инклюзивлик бўйича “The Little Data Book on Financial



Inclusion 2018” таҳлилини чоп этди. Унга қўра, аҳоли орасида рақамли тўловлардан фойдаланувчилар Буюк Британия, Германия, Японияда 95,5 фоизни, Италия, Жанубий Кореяда 89

банкларида капиталлашув даражаси ортиб бориши билан ҳам изоҳлаш мумкин. Сўнгги йилларда қимматли қоғозлар бозорининг профессионал иштирокчилари сони бироз камайганига қарамай, мамлакатимизда унинг институционал инфратузилмаси асосан шаклланиб бўлди.

Охириги 5 йилда республикаимиз қимматли қоғозлар бозорига 46 та институционал инвестор фаолият юритиб келаётган бўлса, улардан 28 таси банк соҳаси, 9 таси сугурта фаолияти, қолгани инвестиция фондларига тегишлидир. Банклар томонидан муомалага чиқарилган акциялар 16877,82 миллиард сўм бўлиб, институционал инвесторлар таркибидаги улуши 98,54 фоизга етган. Сугурта компанияларининг умумий улушдаги ҳиссаси 1,44 фоизга тенг. Ин-



вестиция фондлари томонидан атиги 2,32 миллиард сўмлик акциялар чиқарилган. Уларнинг институционал инвесторлар таркибидаги ҳиссаси 0,02 фоизга яқин.

Муомалага чиқарилган акциялари сони бўйича сугурта компанияларининг институционал инвесторлар таркибидаги улуши 62,6 фоиз бўлса, кейинги ўринда банклар 37,3 фоиз, инвестиция фондлари эса 0,0003 фоизга эга. Бу уларнинг қимматли қоғозларининг номинал қиймати бошқа институционал инвесторлар акциясига қараганда паст қийматда эканидан далолат беради.

Давлат банклари трансформация қилиш, фаолиятини бозор таъминловчиси ва халқаро стандартларга мувофиқ қайта ташкил қилиш ҳамда банк тизимида хусусий капитал иштирокчини кенгайтириш ва соғлом рақобат муҳитини кучайтириш мақсадида 2020-2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислох қилиш стратегияси тасдиқланган. Халқаро молия корпорацияси, Европа тикланиш ва тараққиёт банки, Осиё тараққиёт банки ҳамда PWC, KPMG, Deloitte ва McKinsey company каби халқаро консалтинг компаниялари банкларни трансформация қилиш шароитларида жалб этилди.

2019 йил февраль ойида Ўзбекистон тарихида биринчи марта ҳукумат томонидан 1 миллиард АҚШ доллари миқдоридидаги суверен евробондлар муваффақиятли жойлаштирилгандан сўнг бир қатор тижорат банклари узоқ муддатли капитал жалб қилиш мақсадида халқаро капитал бозорига кирди. Хусусан, 2019 йил ноябрь ойида “Ўзсаноатқурилишбанк” Лондон фонд биржасига 300 миллион евробонд чиқариб, тижорат банклари орасида дастлабки қадамни ташлади. 2020 йил октябрь ойида Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки мазкур халқаро молия муассасасидан 300 миллион доллар маблағ жалб қилди. Ноябрь ойида эса “Ипотекабанк” ҳам шунча миқдорда евробонд жойлаштирди ва халқаро капитал бозори иштирокчисига айланди.

Сўнгги йилларда молия секторининг инвестицион жозибадорлигини оширишга қаратилган кенг қўламли ислохотлар хорижий инвесторларнинг банк соҳасига бўлган қизиқишини оширишга ёрдам бермоқда. Масалан, 2020 йилда Германиянинг молиявий ривожланиш институти (Deutsche Investitions-und Entwicklungsgesellschaft mbH, DEG) ва Triodos Investment Management “Ипак йўли” банкнинг 25 миллион доллар миқдорига янги чиқарилган акцияларини сотиб олиш орқали банк устав капиталига сармоя киритди.

Тараққиёт этган хорижий давлатлар тажрибасидан маълумки, молиявий секторнинг ривожланганлик даражаси билан иқтисодий ўсиш ўртинда юқори даражада боғлиқлик мавжуд. Тизимда хизматлар соҳасининг ривожлангани молиявий ресурсларни самарали тақсимлаш йўли билан мамлакатнинг иқтисодий ўсишига иқтисодий таъсир кўрсатади. Тижорат банклари, фонд бозори, сугурта ташкилотлари томонидан кўрсатилганган турли молиявий хизматлар янада кўпроқ миқдордаги жамғармаларни реал секторга юқори самарадорлик таъминланган ҳолда йўналтирилишига ва бунинг натижасида реал секторда ўсиш фаоллашишига хизмат қилади.



## БУЮК АЖДОДЛАРИМИЗ

Енгилмас саркарда, Ватан ҳимоячиси, миллий қаҳрамон Жалолиддин Мангубердиннинг она юртимиз озодлиги йўлида кўрсатган беқиёс жасорати ва матонати, мана, орадан неча асрлар ўтса ҳамки, халқимиз учун буюк ибрат намунаси бўлиб келмоқда.

Шавкат МИРЗИЁЕВ,  
Ўзбекистон Республикаси Президенти

Раззоқ ШАЙМАРДАНОВ,  
Республика Маънавият ва маърифат маркази бўлим бошлиғи, истеъфодаги подполковник

XIII аср бошларида эл-юрт озодлиги учун мардонавор курашган саркарда Жалолиддин ибн Алоуддин Мухаммаднинг (1198 – 1231) ҳаёти, ҳарбий жасорати ва маънавияти, афсуски, қониқарли даражада ўрганилмаган. Бунинг асосий сабаби қўлёзма манбаларда етарли маълумот бўлмаслигидир.

Тадқиқотларда баён этилишича, унинг бурнида холи (манк) бўлгани учун “Манкбурни”, деб аталган, кейинчалик талаффузда ўзгариб, “Мангуберди” номини олган ва бу ном машҳур бўлиб кетган.



# ЮКСАК ҲАРБӢЙ ЖАСОРАТ ВА МАЪНАВИЯТ СОҲИБИ

Жалолиддин ҳарбий муҳитда улғайиб, жанг санъатини эрта ўзлаштирди ва бу иқтидори отани мамнун қиларди. “Буюк сиймоларнинг боқий қудрати” ўқув қўланмасида шундай эътироф этилади: “Жалолиддин Мангуберди вояга етган, отаси уни Ғазна, Бомийн, Ғур, Буст, Такинобод, Заминдовар ва Ҳиндистон худудларигача бўлган ерларга ҳоким ва тахт вориси этиб тайинлаган. Бироқ Туркон Хотун ва қипчоқ амирларининг қатъий норозилиги сабаб, Қутбиддин Узоқшоҳ фойдасига ворисликдан маҳрум этилган. Жалолиддин Мангуберди отасининг ҳарбий юришларида иштирок этиб, ўзининг жасур жангчи, иқтидорли саркардалик қobiliятини намоён этган”.

Ёш, навқирон Жалолиддиннинг ҳарбий матонати юксак, жуда маънавиятли ва маърифатли эди. У отаси билан ҳарбий юришлар чоғида Ватан озодлиги йўлидаги кураш маънавиятини ўрганди.

Саркарданинг бу каби фазилатлари нималарда намоён бўлди?

...1220 йили қажшатқич жанг қилаётган Чингизхонни кўп қўшин билан Сирдарё бўйларида қутиб олиб, душманни очик майдонда ер тишлатишининг устувор режа эканини Жалолиддин отаси Мухаммад Хоразмшоҳ Каспий денгизи бўйида жойлашган Обескун шаҳри яқинидаги Ашуродро оролидан паноҳ топган эди. Ўғилларини ёнига чорлаб, Жалолиддин Мангубердини ўз урнига хоразмшоҳ этиб тайинлайди. Аммо Гурганж аслзодалари янги ҳукмдорга белисдан қараб, уларни халқ мададидан четда қолдиради. Султон Алоуддин Мухаммад Хоразмшоҳ 1220 йили декабрда оламдан ўтади.

Очиқ майдонда кечмаган жангда эса мўғуллар шаҳарни эгаллаб ола бошлайди. Бухоро, Самарқанд қалъалари ўраб олинди. Бу пайтда хаста бўлган Мухаммад Хоразмшоҳ Каспий денгизи бўйида жойлашган Обескун шаҳри яқинидаги Ашуродро оролидан паноҳ топган эди. Ўғилларини ёнига чорлаб, Жалолиддин Мангубердини ўз урнига хоразмшоҳ этиб тайинлайди. Аммо Гурганж аслзодалари янги ҳукмдорга белисдан қараб, уларни халқ мададидан четда қолдиради. Султон Алоуддин Мухаммад Хоразмшоҳ 1220 йили декабрда оламдан ўтади.

Унинг мудҳиш хатоси шунда эдики, мўғуллардан 2-3 баробар зиёд қўшинини йиғирмага яқин шаҳарга тарқатиб, уларнинг ҳимоясини Жалолиддин Мангуберди зиммасига юклаганди. Қўшин сочилиб кетиб, душмандан сақланш учун қудратли мудофаа истеҳкоми ўрнатилмади. Фронт чизиги заифлашди.

Шундай бўлишига қарамасдан, Жалолиддин 1220-1221 йилларда Чингизхон бошчилик қилаётган мўғулларни уч марта — Насо ёнида, Қандаҳор ва Чорикор (ҳозирги Афғонистон худудидаги жой номлари) яқинида мағлубиятга учратади. 1221 йили Парвонда (Афғонистон) энг катта жанг бўлади ва ушбу жангда мўғулларнинг мағлубиятга учрагани Чингизхонга жуда алам қилади. Аламзада Чингизхон Жалолиддинга қарши ўзининг тутинган ўғли ва номдор саркардалардан бири Шиги Хутуку бошчилигидаги 45 минг кишилик катта қўшин юборади. Ғазна шаҳри яқинидаги Парвон даштида кечган икки кунлик жангда Жалолиддин Мангуберди қўшини мўғулларни тор-мор келтиради. Тарихчи Жувайний Парвон жангининг қисқача таърифини берадики, ундаги ҳар икки томон ишлатган ҳарбий усуллар ҳақидаги маълумотлар эътиборга моликдир.

Тадқиқотчи Нурғди Тошев “Жалолиддин Мангуберди” асарида “Жувайнийнинг ҳикоясига биноан, жангнинг биринчи кўни ниҳоясига етганидан сўн тунда Шиги Хутуку ў аскарларига кигиздан одам тасвирини яшашни буюради. Эртаси тонгда жанг бошланган маҳалда Жалолиддин жангчилари мўғул қўшинининг сафлари ортанини кўриб, душман мадад олибди, деган ҳаёлга боради. Аммо Жалолиддин уларга далда бериб, жанговар кайфиятни тиклашга эришади”, деб таъкидлайди. Урушдаётганларнинг сонини қўпайтириб кўрсатиш учун одамга ўхшаш тасвирини отта ўрнатишдек ҳийлалари зое кетади. Жангнинг натижаси Жалолиддиннинг тўғри тактика қўллаганигидан далолат беради. Унинг бу ғалабасидан сўнг мўғуллар қўлига ўтган бир қанча шаҳарлар аҳолиси исён кўтариб, мўғуллар қўйган ноибларни ўлдиради.

Жалолиддин Мангубердининг ҳарбий маҳорати ва маънавияти юксаклигини юқорида қайд этилган фактлар ҳам тасдиқлайди. Агар ҳарбий маҳорати юксак бўлмаса, ғалаба нашидасини сурармиди? Юксак маънавияти бўлмаганида, лашкарлар ишончини қозониб, уларни рухлантира олармиди? Мангубердида моҳир саркардалик, қўшини рухлантириб жангга тайёрлаш, ғурурлантириш каби қobiliят юқори даражада мужассам эди.



Мўғулистонга саёҳат қилиб, мўғулларнинг ўша даврдаги ҳаёт тарзи, урф-одат ва ҳарбий санъати билан яқиндан танишган италиялик сайёҳ Плано Карпинининг бир маълумоти эътиборни тортади. У шундай ёзди: “Татарлар, яъни мўғуллар одамларнинг улар билан майдонда жанг қилишларида кўра, шаҳар ва қалъаларга беркиниб олишларини кўпроқ хуш кўришади”. Хоразмшоҳ ўзининг бемуллоҳаза қарори билан беихтиёр мўғулларни ниҳоятда хушнуд этган, уруш бошланмасдан турибқоқ ғалабани бой берган эди.



Парвон жангида қўлга тушган ўлжани бўлиб олиш чоғида бир зотдор от сабабли низо чиқиб, ҳар бири қарийб 30 минг жангчига эга бўлган лашкарбошилар — Сайфиддин Ағроқ, Аъзам Малик ва Музаффар Малик ўз қўшинлари билан Жалолиддинни тарқ етдилар. Жалолиддиннинг уларни қайтариш йўлидаги уринишлари наф бермайдди. Кейинчалик мўғуллар уларнинг барчасини алоҳида-алоҳида қириб ташлайди.

Бироқ Жалолиддин Мангубердининг шижоати ва жасорати мўғул қўшинларини кўркув ва ҳайратга солмай қолмади. Кези келганда ҳатто даҳшатли саркарда номини олган Чингизхон ҳам шошиб қолган. 1221 йил 24 ноябрда ҳалокатли жанглардан бири бошланди.

Муаррих Жувайний жанг воқеасини шундай таърифлайди: “Мўғул қўшинини чекинишга мажбур этиб, жиловни орқа бурди ва совутни ечиб ташлаб, отга қамчи урди. Қирғоқдан туриб ўн газ ёки ундан ҳам ортиқ масофадаги дарёга от солди. Довюррак арслон мисоли дарёдан кечиб ўтиб, нажот соҳилига етди. Чингизхон унинг дарёдан кечиб ўтганини кўриб, отини дарё қирғоғига елдириб келди. Султон бир шамшир, найза ва қалқон билан дарёдан ўтган эди. Чингизхон бу ҳолатни кўриб, ўғилларига юзланди ва хитоб қилди: “Отанинг ўғли шундай бўлмоқчи лозим! Сув ва оловнинг икки гирдо билан кўтулиб, нажот соҳилига етдимки, ундан беадад ишлар ва беҳисоб таҳликалар туғилгач”.

Мирзо Улугбек “Тўрт улус тарихи” асарида Жалолиддин Мангубердининг жасоратини кўрган Чингизхон: “Отдан бундай ўғил туғилмаган. У сакроҳда шер каби ғолиб жангчи, дарёда эса наҳанг каби ботир. Қандай қилсинки, хали ҳеч ким тақдир билан ҳеч бир моҳорода тенг келолмаган. Лекин у мардликнинг додони берди. Қазои қадар қаршисида қудрат қўлини очди”, дея тан берганини эътироф этади.

Жалолиддин Мангуберди 4000 жангчиси билан Синд (Хинд) дарёсининг ўнг соҳилига сузиб ўтади. Насавийнинг гувоҳлик беришича, ушбу

жангда Жалолиддин ҳатто душман қўшинининг марказига ёриб киришга муваффақ бўлган. Ибн ал-Асир мўғуллар шаҳар ва қишлоқларни бирин-кетин ишғол қила бошлайди. Ҳунармандлар, хотин-қизлар ва болаларни қўлликка олиб кетишар, қолганларни ёппасига қиличдан ўтказарди. Бўш қолган шаҳарлар мўғул аскарлари томонидан бир неча кун давомида таланиб, ер билан яқсон қилинарди.

Бундай беаёв шафқатсизликларни тарих қўлига оғир кўнларни солди. Амурдарёга қурилган тўғонни бузиб, шаҳарни сувга бостириди. Қадим маданият ва маънавиятга эга бўлган азим шаҳар ер юзидан суғуриб ташланди... Жалолиддин Мангуберди қўшинига Қулбарс баҳодир, Кабқуҳ ва Саъдиддин Алиаш-Шарабдор каби лашкарбошилар ўз жангчилари билан келиб қўшилди. Шатра вилоти рана (шоҳ)си ҳужумга ўтади. Аммо у Мангубердининг қамонидан ҳалок бўлади, қўшини эса пароканда бўлиб қолади.

Жалолиддин Мангуберди Ҳиндистон, Озарбайжон, Бағдодга юриш қилиш, мўғулларга қарши жанг қилишда бирлашиш сулҳини тузишга азм қилади. Мўғулларнинг Хоразм шаҳарларини бирин-кетин эгаллаши Султон Мухаммад танлаган стратегия нотўғри эканлигини кўрсатди. Рўйи замин сайқали Самарқанд, ислом қўббаси Бухоро, илму Ирфон бешиги Гурганч мўғуллар оёқлари остида топланди.

“Тарихи Хоразмшоҳий” асари муаллифи профессор Ғулмор Рабоний Азизнинг сўзларига қўра, “Султон Элтуғтимиш кўл остидаги аскарлар сони Султон Жалолиддинникидан анча кўп бўлиб, қуч борасидаги рақобатда уни енгган бўлса-да, барибир, қон тукшини хоҳламади ва Султон Жалолиддин билан тинчлик ва яраш битимини имзолашга ҳаракат қилди”.

Шунингдек, соҳа мутахассислари, тадбиркорларни жалб қилган ҳолда, турли учрашувлар, маҳорат дарслари ташкил этилмоқда. Ушбу учрашувларда болаларнинг ҳар бири билан алоҳида суҳбатлашилди, уларнинг ўз мақсадига эришиши учун йўл-йўриқ қўрсатилмоқда. Жўмладан, “Нам-файз” МЧЖ раҳбари Феруза Мелибоева, яқо тартибдаги тадбиркор Умида Султонова, “Нафис маржонлар” МЧЖ раҳбари Нафиса Шаропова, “Файз-нур” оилавий корхонаси раҳбари Нодира Бўриеванинг тадбиркорлик ҳақидаги фикр-мулоҳазалари ёшларни рухлантирди. Уларнинг фаолияти айнан тикувчилик цехи билан боғлиқлиги сабабли тарбияланувчилар ўзларини қизиқтирган барча саволларга жавоб олди. Шунингдек, ёшларнинг кўз ўнгиди улар учун турли либослар ҳам тикилди.

— Келажакда банк ходими бўлмоқчиман, аммо тикувчиликни ҳам

Ҳинд дарёсининг чап қирғоғида Ғўра Тарап ва Боғи Нилоб қишлоқлари атрофида жуда кўплаб қадимий қабрлар мавжуд. Чунки Нилоб қадимдан Афғонистон томонидан кириб келган босқинчи қўшинларнинг Ҳиндистондаги биринчи ҳужум нуқтаси бўлган. Шу сабабдан бу худудлар аҳолиси қадимдан босқинчилик юришлари таъсирида яшаб келган.

1227 йил сентябрда Исфохондан 30 қақирим шарқдаги Син қишлоғи яқинида Жалолиддин Мангуберди мўғулларнинг Тайнол нўён бошлиқ қўшинини енгган. Тайнол нўён Жалолиддин Мангуберди ҳақида: “Замонасининг ҳақиқий баҳодири экан, ўз тенқуруларининг сарвари экан”, деган. Хоразмлик саркарданинг Қўния султони Алоуддин Кайқубод, Жазира ҳокими Ал-Малик ал-Ашраф Музаффариддин Мусо, Дамашқ ҳокими Ал-Малик ал-Муаззам Шарафиддин Исо ва Миср ҳокими Ал-Малик ал-Комил Мухаммадга номалар ёзиб, уларни мўғулларга қарши курашиш мақсадида бирлаштириш йўлидаги хатти-ҳаракатлари беҳуда кетди. Устига-устак Алоуддин Кайқубод муҳолиф кучларни Жалолиддин Мангубердига қарши бирлаштиришга муваффақ бўлди.

1230 йил 10 августда Арзинжон яқинидаги жангда Жалолиддин Мангуберди кучлари мағлубиятга учради. Бундан фойдаланган мўғуллар катта қўшин билан Озарбайжонга бостириб кириб, Мароғ, Табризни эгаллаб (1231 йил), Жалолиддин Мангубердини таъқиб этган. Майофаркин вилотидаги қишлоқлардан бирида мўғуллар тунги ҳужум натижасида Жалолиддин Мангубердининг оз сонли қўшинини тор-мор келтирди. Саркарданинг ўзи эса таъқибдан қутулиб, Қурдистон тоғларига чиқиб кетган. Бу ерда қароқчи қурдларга асир тушиб, фожиаи равишда ҳалок бўлган.

Саркарда ҳақида унинг шахсий қотиби, тарихчи Насавий шундай ёзади: “Жалолиддин қорачадан келган, ўрта бўйли, турк лафзли одам эди. Форс тилини ҳам яхши биларди. Унинг ботирлигига келганда шунини айтиш керакки, султон арслонлар орасидаги энг кучли шер эди. Бир сўзли, кек сақламайдиган, очикқўн-гил, тўғри одам эди. У жиддий шахс эди. Ҳеч қачон қўлмасди. Жуда нари борса қилмайиб қўярди. У адолатсизликларни ёмон кўрарди. Жалолиддин ўта қатъиятли, ниҳоятда иродали, мураккаб вазиятларда, тақдирнинг қалтис синовларида ўзини йўқотиб қўймайдиган фавқулодда мард ва ботир саркарда эди”.

Ўзбекистон ҳукумати 1998 йил 24 сентябрда Жалолиддин Мангубердининг мўғул босқинчиларига қарши курашда кўрсатган мислсиз жасорати, ватанга ва ўз халқига садоқат ва чексиз муҳаббатини қадрлаш унинг порлоқ руҳини абадийлаштириш мақсадида “Жалолиддин Мангуберди таваллудининг 800 йиллигини нишонлаш ҳақида” қарор қабул қилди. Қарорга мувофиқ, Хоразмда Жалолиддин Мангубердига ҳайкал ўрнатилди. Саркарда ҳаёти, қаҳрамонлиги акс этган видеофильм ва қатор бадиий асарлар яратилди. Қўча, майдон, жамоа корхоналари, ташкилотларга унинг номи қўйилди.

2000 йилнинг 30 август кўни “Жалолиддин Мангуберди” ордени таъсис этилди. Бу орден билан мамлакат мустақиллигини, Ватан сарҳадларини, она юрт тупроғини ҳимоя қилишда ҳамда уни кўз қорачиғидан асрашда юксак ҳарбий маҳорат, қаҳрамонлик ва жасорат намуналарини кўрсатган, давлатнинг мудофаа қудратини мустаҳкамлашга улкан ҳисса қўшган қўмондонлик таркибига кирувчи ҳарбий хизматчилар мукофотланади.

2003 йил 22 августда Хоразм вилоти, 2006 йил 12 январда эса Термиз чегара райони Жалолиддин Мангуберди ордени билан тақдирланди.

Ўзбек давлатчилиги тарихида ўзининг жасорати ва ҳарбий матонати билан миллий қаҳрамон сифатида ўчмас из қолдирган Жалолиддин Мангубердининг шонли ва ибратли ҳаёт йўлини, ҳарбий маҳоратини, ватан олдидagi хизматлари, жаҳон халқлари тарихида тутган ўрнини ўрганиш ва тарғиб қилиш мақсадида Хоразм вилотида “Жалолиддин Мангуберди тарихининг янги саҳифаларини ўрганиш” мавзусида ўтказилаётган халқаро илмий-амалий анжуман тарихий аҳамиятга эгадир. Анжуманда Жалолиддин Мангубердининг илм-фанга маълум ва номаълум бўлган қирралари олимлар эътирофида ўз аксини топмоқда.

ўрганиямман, — дейди Мехрибонлик уйи тарбияланувчиси Виктория Ан. — Аввало, бу касбни ўзлаштириб, ўзим учун турли либослар тикишим мумкин. Бу илм мактабини битирамиз, ўқув йили охиригача тикувчиликни мукаммал ўрганиб, битирув оқшони либосини тикмоқчиман. Балки дугоналаримга ҳам тикиб берарман. Қолаверса, дарсдан бўш вақтда тиккан либосларимиз учун ҳақ ҳам оляямиз. Уларнинг ҳаммасини жамғариб, келгусида ўз бизнесимни йўлга қўйишим мумкин.

Жамоат ишлари жамғармаси ушбу хайрли лойиҳани биринчи марта синов тарикасида амалга оширди. Натижа эса қутилганидек ижобий. Шу сабабли, энди уни мамлакатимиз бўйлаб амалга ошириш режалаштирилляпти. Зеро, ота-она меҳр-муҳаббат, эътиборига муҳтож болаларнинг билимли, салоҳиятли, шу билан бирга, касб-хунарли бўлиб вояга етишадан жамият ҳам, давлат ҳам манфаатдор.

## ЭЪТИБОР

# Меҳрли қўллардан моҳир чеварларга

Кумуш АБДУСАЛОМОВА,  
журналист

Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳузуридаги Жамоат ишлари жамғармаси томонидан пойтахтимиздаги 22-Меҳрибонлик уйига сўнгги русумдаги 14 та тикув машинаси бегараз ёрдам сифатида берилди ва минн цех ташкил этилди.

Бунга қадар Меҳрибонлик уйида тикувчилик тўғраги мавжуд бўлган, аммо бир дона яроқсиз тикув машинасида маҳорат дарслари ўтказилган. Шу сабабли тарбияланувчиларнинг қизиқиши ҳам ҳаминқадар бўлган. Энди янги ташкил этилган тикувчилик тўғраги хонаси болалар энг кўп тулланадиган жойга айланиб улгурди. Сабаби, улар ҳам касб-хунар ўрганиши, ҳам ўзи учун исталган кийимни тикиб олиши, ҳам яхшигина даромад топиши мумкин.

Президентимизнинг шу йил 6 ноябрда Олий Мажлис палаталари қўшма мажлисида сўзлаган нутқида ҳам меҳрибонлик уйлари тарбияланувчиларини касб-хунарга ўргатиш зарурлигига алоҳида тўхталиб ўтилган: “Маълумки, юртимизда ота-онасидан ажраган, меҳрга муҳтож болаларни қўллаб-қувватлаш, уларга таълим-тарбия бериш, касб-хунарга ўқитиш ва турар жой билан таъминлаш, жамиятда муносиб

ўрин эгаллашига жиддий эътибор қаратилмоқда.

Меҳрибонлик уйлари ва махсус мактаб-интернатларда яшаётган болаларни оилага яқин муҳитда, билимли ва касб-хунарли этиб тарбиялаш учун “Меҳр дафтари” доирасида бошлаган ишларни изчил давом эттириш барчамизнинг бурчимиздир”.

Президентимизнинг 2021 йил 9 августдаги “Етим болалар ва ота-она қарамағидан маҳрум бўлган болаларни тарбиялашнинг тубдан янгиланган тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”-ги қарорида етим ва ота-она қарамағидан маҳрум бўлган болаларга тарбия бериш, уларни фан, ахборот технологиялари, хорижий тиллар, касб-хунар ва тадбиркорликка ўқитиш, бошланғич ҳарбий тайёр-

гарлик ва спорт билан шуғулланишини ташкил этиш бўйича янги тизим амалиётга таътиб этилиши кўзда тутилган.

Меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларини касб-хунарга ўргатишга қаратилган ушбу лойиҳа уларни тадбиркорликка жалб қилишга ҳам ҳисса қўшмоқда. Тикувчилик тўғраги ҳатто ўғил болаларда ҳам қизиқиш уйғотди. Қувонарлиси, тарбияланувчилар орасида дизайнёр бўлишни оруз қиладиганлар ҳам бор. Ушбу минн цех улар учун тайёр имконият, ижод лабораторияси вазифасини ўтамоқда. Лойиҳани амалиётга таътиб қилиш самарадорлигини ошириш мақсадида Жамоат ишлари жамғармаси ходимлари тикувчилик тўғраги фаолиятини мунтазам кузатиб, ўрганиб, яқиндан кўмак бермоқда.

|                                                                  |                                                                     |                                                                                                                                                                                                                                                                                                |                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                          |                                                                                                       |
|------------------------------------------------------------------|---------------------------------------------------------------------|------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|--------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|-------------------------------------------------------------------------------------------------------|
| “Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари тахририяти” ДУК | Бош муҳаррир:<br>Салим ДОНИЁРОВ                                     | Тахририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.<br>Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобдор.<br>Газета тахририят компьютер марказида саҳифаланди.<br>Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “KOLORPAK” МЧЖ масъул. | Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.<br><b>Нашр индекси</b> — 236. <b>Буюртма</b> — 4013<br>75974 нусхада босилди.<br><b>Ҳажми</b> — 3 табоқ. <b>Офсет</b> усулида босилган. <b>Қоғоз бичими</b> А2.<br>Баҳоси келишилган нарҳда. | Навбатчи муҳаррир: Мухтасар Тожимаматова<br>Мусахҳас: Насиба Абдуллаева<br>Дизайнер: Хуршид Абдуллаев |
| МУАССИС:<br>Ўзбекистон Республикаси<br>Вазирлар Маҳкамаси        | Манзилимиз:<br>100029, Тошкент шаҳри,<br>Матбуотчилар кўчаси, 32-уй | Девонхона: (0-371) 233-70-98<br>Котибият: (0-371) 233-56-60<br>Эълоплар: (0-371) 233-57-15<br>E-mail: info@yuz.uz                                                                                                                                                                              | “KOLORPAK” МЧЖ босмахонасида чоп этилди.<br>Босмахона манзили: Ўзбекистон, 100060.<br>Тошкент, Янги шаҳар кўчаси, 1-А уй.<br>Босмахона телефони: (78) 129-29-29                                                                                                                                                                                                          |                                                                                                       |
| ЎЗА яқуни — 01:00 Топширилди — 02:30                             |                                                                     |                                                                                                                                                                                                                                                                                                |                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                          |                                                                                                       |